УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 249 (6. 440) ◉ 1987 йил 3 ноябрь, сешанба ◉ Баҳоси 4 тийин

Биз 1917 йилнинг Октябрида эски дунёни тарк этиб, уни узил-кесил рад қилган эдик. Биз янги дунё—коммунизм дунёси сари бормоқдамиз. Бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз!

Кеча Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси очилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзуида доклад қилди.



МОСКВА. КРЕМЛЬ. 1987 йил 2 ноябрь. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси.
ТАСС-ФэТАГ телефотоси.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Москва, Кремль. Съездлар саройи. Бу ерда 1987 йил 2 ноябрь куни эрталаб соат 10 да КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси байрам кўтаринкилиги ва ишчанлиги вазиятида очилди.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ветеранлари, Октябрь революцияси қатнашчилари, социалистик Ватанимиз жанговар ва меҳнат ғалабаларининг қаҳрамонлари, Совет Армияси ва Флоти жангчилари, фан ва маданият арбоблари, таниқли жамоат арбоблари иштирок этмоқдалар.

Мажлисда социалистик мамлакатларнинг партия-давлат ва партия-ҳукумат делегациялари, коммунистик ва ишчи партияларининг, революцион-демократик, миллий демократик партияларининг, озодлик ҳаракатларининг делегациялари, социал-демократия вакиллари, бир қанча давлатлар президентлари ва ҳукумат бошлиқлари, атоқли чет эл жамоат арбоблари, дипломатия корпуси, матбуот вакиллари ҳозир бўлишди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ А. А. Громико кириш нутқи билан мажлисни очди.

Совет Иттифоқи Гимни улуғвор садоларга янгради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзуида доклад қилади.

Сўнгра тантанали мажлис қатнашчилари ва меҳмонларга сўзга чиқадилар.

Мажлис аҳли партия ветерани, Граждан ва Улуғ Ватан урушлари қатнашчиси ўртоқ К. П. Скнозерскийни самимий кутиб олади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, РСФСР Олий Советининг депутати, «Ленинград металл заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесарлари бригадири, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ В. С. Чичеров сўзга чиқади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети депутати, СССР Фанлар академияси президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Г. И. Марчук тантанали мажлис қатнашчиларига совет олимлари номидан мурожаат қилади.

Сўнгра тантанали мажлис қатнашчиларни самимий кутиб олган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Войцех Ярузельский табрик нутқи сўзлайди.

Мажлис қатнашчиларни Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Эрих Хонеккер нутқини самимий кутиб оладилар.

Ҳозир бўлганлар томонидан қизғин кутиб олинган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти ўртоқ Густав Гусак табрик нутқи сўзлайди.

Мажлис аҳли Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто нутқини самимий қаршилайди.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. И. Рижков раислик қилди.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, «Краснодонуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Молодогвардейская» шахтаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ А. Я. Колесников сўзга чиқади.

Сўнгра СССР Олий Советининг депутати, Стучкин районидаги Плявиняс ўрта мактабининг директори, Латвия ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи ўртоқ Э. Я. Купча сўз олади.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живков мажлис қатнашчиларига табрик сўзларини айтади.

Мажлис қатнашчиларни Франция Коммунистик партияси Бош секретари ўртоқ Жорж Марше нутқини самимий кутиб оладилар.

Раислик қилувчи совет ёшлари ва пионерларининг вакилларни тантанали мажлис қатнашчиларини табриклаш учун келганликларини эълон қиладилар.

Залга байроқлар: Октябрь революциясининг муқаддас ёдгорлиги —афсонавий «Аврора» крейсерининг байроғи, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи байроғи, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти байроғи, РКП(б) ва КПСС Марказий Комитетининг Эсдалик байроқлари олиб кирилади.

Залга «Интернационал» садолари остида пионерлар, йигит ва қизлар саф тортиб кириб келади. Мажлис аҳли уларни табриклар ва қарсаклар билан кутиб олади.

Москвалик ишчи, ВЛКСМ Марказий Комитетининг аъзоси Николай Прохоров совет ёшлари номидан тантанали мажлис қатнашчиларини табриклайди.

Пионерлар тантанали мажлис президиуми аъзоларига гуллар тақдим этадилар. Залда тантанали мажлис қатнашчиларининг қарсаклари остида, «Ленин, партия, комсомол!» сўзлари янграйди.

ОКТЯБРЬ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ: РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари

М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Азиз ўртоқлар!

Муҳтарам чет эллик меҳмонлар!

1917 йил Октябрининг унутилмас кунларидан буён орадан етмиш йил ўтди. Бу ижтимоий тараққиётнинг, инсоний тарихнинг янги даврини бошлаб берган фундаментал инсоний кунлар бўлган эди. Октябрь — инсониятнинг тақдиридаги ҳам юксак чўққиси, унинг тонготар лаҳзасидир. Октябрь революцияси — халқнинг революцияси ва халқ учун, инсон учун, уни озод қилиш ва камол топтириш учун қилинган революциядир.

Етмиш йил — жаҳон цивилизациясининг кўп асрлик юксалишида унчалик катта давр бўлмаса ҳам, аммо қилинган ишларнинг миқёслари жиҳатидан мамлакатимиз Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин босиб ўтгани каби давр тарихда ҳам кам бўлмаган эди. Модомики шундай экан, кашшофларнинг йўлидан бориш ҳам, бутун куч, ғайрат, билим, қобилиятни Октябрь ғоялари ва мақсадлари тантанаси йўлида сарфлашдан кўра ҳам олий шараф йўқ!

Юбилей — фахрланиш мавридидир. Қилинган ишлардан фахрланиш мавридидир. Бизнинг зиммамизга жуда оғир синовлар тушди. Биз бу синовларга шараф билан бардош бердик. Шунчаки бардош беришгина қолмадик. Мамлакатни вайронагарчилик ва қолоқликдан чиқариб олдик, уни қудратли давлатга айлантирдик, турмушни қайта қурдик, инсоннинг маънавий дунёсини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юбордик. XX асрда мисли кўрилмаган бениҳоя шиддатли ишларда ўз турмуш тарзимизга бўлган ҳуқуқни қаттиқ туриб сақлаб қолдик, ўз келажагимизни ҳимоя қилдик. Бизнинг революциямиз, меҳнатимиз ва курашимиз жаҳон тараққиётининг ҳамма соҳаларига — сиёсат ва экономикага, ижтимоий соҳага ва замондошларнинг онгига жуда чуқур таъсир ўтказиб келаётганлиги учун ҳам тўла асос билан фахрланамиз.

Юбилей — хотира мавридидир. Ҳар бири муштарак социалистик ғалабаларимизга ҳисса қўшган миллион-миллион кишиларни эсга оламиз. Пўлат қуйган, ғалла экқан, бодаларга таълим берган, фан ва техникани олға силжитган, санъат чўққиларини забт этган кишиларни хотирлаймиз. Ватанни ҳимоя қилиш йўлидаги жангда ҳалок бўлган, жонидан кечиб жамиятнинг олға боришига имконият яратган кишиларни қайғу билан эсга оламиз. Бошдан кечирилган кунлар, босиб ўтилган йўлларнинг хотирадан ўчмайдиган онларини эслаймиз, чунки бугунги кунимиз мана шуларнинг шарофатидир.

Юбилей — фикрлаш мавридидир. Баъзан ишларимиз ва тақдиримиз мураккаб, чигал бўлганлиги ҳақида фикр юритамиз. Ҳар қандай ишлар — ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиона ишлар, буюк зафарлар ва аччиқ муваффақиятсизликлар бўлди. Биз қизғин яратувчиликнинг етмиш йили ҳақида турмушни революцион ўзгартириш учун ўзининг бутун кучини, социализмнинг бутун буюк кудратини сафарбар этишга тайёр бўлиб турган халқ позицияларида туриб фикр юритамиз.

Юбилей — келажакка назар ташлаш мавриди ҳамдир. Биз улкан, салмоқли ва зўр аҳамиятли ютуқларга эришдик. Бу ютуқлар янги зафарлар учун, жамиятни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор, негиздир. Айни социализмни ривожлантиришни, ленинизм билан Октябрь ғоялари ва практикасини давом эттиришни биз бугунги ишларимиз ва режаларимизнинг моҳияти деб, энг биринчи вазифамиз ва маънавий мажбуриятимиз деб биламиз. Бу эса Октябрнинг, Октябрдан кейин етмиш йил мобайнида қилинган ҳамма ишларнинг тарихий аҳамиятини жиддий ва обдон таҳлил қилиш заруратини тақозо этади.

I. ОКТЯБРЬ ЙЎЛИ—КАШШОФЛАР ЙЎЛИ

Ўртоқлар! Биз кашшофларга хос жуда катта ва мураккаб йўлни босиб ўтдик. Бу йўлни қисқача таҳлил билан ёритишнинг, биринчи жаҳон уруши ва гражданлар уруши, интервенция оқибатларининг оғирлигини ҳам; ўзгартиришларнинг янгилигини, одамларнинг шу ўзгартиришларга боғлаган умидларини, кўпинча орқага наза,) ташлаш, ўйлаб кўриш учун вақт қолдирмайдиган одатдан ташқари янгилик кириб келишининг суръатлари ва миқёсларини ҳам; революцион бўронлар даврларида алоҳида роль ўйнайдиган субъектив омилларни ҳам; революцион даврнинг келажак ҳақидаги катта талаблари руҳи билан суғорилган ва кўпинча жўн, содда тасаввурларни ҳам; янги турмуш учун курашчиларнинг ҳамма ишни имкон борича тезроқ, яхшироқ, адолатлироқ қилишга беаёв, сидқидил интилишини ҳам назарда тутяпман.

Босиб ўтилган йўл — унинг қаҳрамонлиги ва мушкулликларини замондошларни тўлқинлантирмай қола олмайди. Бизнинг тарихимиз битта, у — муқаррар. У қандай ҳис-туйғуларни юзага келтирмасин, у бизнинг тарихимиз, у биз учун азиз. Бугун биз дунёни ларзага солган Октябрь кунларига назар ташлаймиз, у кунлардан метин маънавий таянч ҳам, ибратли сабоқлар ҳам излаймиз ва топамиз. Октябрь танлаб олган социалистик йўлнинг тўғрилигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз.

Инсоният тарихий тараққиёти объектив мантиқининг ўзи бизни шу маррага олиб келди. Цивилизация олға ҳаракатининг йўллари нақадар зиддиятли ва хилма-хил бўлмасин, Октябрь революцияси меҳнаткашларнинг озодлик ва тинчлик учун, социал адолат учун, синфий, миллий ва маънавий зулмга қарши кўп асрлик кураши ғоялари ва практикаси ривожининг қонуниятли натижаси бўлди.

1917 йил социализмни ёки капитализмни танлаб олиш давримизнинг асосий бирдан-бир тўғри социал йўли эканини, XX асрда социал ташкилотнинг юксакроқ формаси — социализм сари бормай туриб олға силжиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Ленинизмнинг мана шу таг-заминли хулосаси ҳозир шу хулоса чиқарилган пайтдагидек муҳим бўлиб турибди. Шитобли ижтимоий тараққиётнинг қонунияти мана шундай.

Россиядаги революция ўтмишнинг буюк гуманистларидан тортиб то XIX ва XX асрларнинг пролетар революционерларигача бўлган инсоният энг заковатли кишилари озодлик муддаоларининг чўққиси, орзу-умидларининг жонли мужассами бўлди.

1917 йил тарихимизга хос эркин ривожланиш ва мустақиллик учун халқ курашининг, илғор миллий ҳаракатларнинг, крепостнойликка қарши деҳқонлар қўзғолонлари ва урушларининг қудратини ўзига сингдирди. У XVIII аср маърифатпарварларининг, декабристлар ҳаракати қаҳрамонлари ва жафокашларининг, революцион демократия оташин нотиқларининг маънавий изланишларини, маданиятимиз буюк арбобларининг маънавий фидойилигини ўзида мужассамлаштирди.

XX аср тонгида Владимир Ильич Ленин маҳкам жипслашган маслакдошлар группасини Россияда янги типдаги пролетар партиясини тузиш йўлидан ўзига эргаштириб борган вақт мамлакатимиз тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ленинниинг айни шу улуғ партияси халқни унинг энг яхши, софдил кучларини эски дунёга қарши ҳужум бошлашга отлантирди.

1905—1907 йиллардаги биринчи Россия революцияси Октябрнинг муваффақияти пойдеворига тамал тошини қўйди. Тўққизинчи январнинг аччиқ сабоқлари ҳам, Москвадаги декабрь баррикадаларининг фидокорона қаҳрамонлиги ҳам, озодлик йўлидаги минг-минглаб номлари маълум ва номаълум курашчиларнинг жасорати ҳам, Совет ҳокимиятининг тимсоли —дастлабки ишчи Советларининг вужудга келиши ҳам шулар жумласига киради.

Улуғ Октябрнинг ғалабаси империализм даврининг биринчи музаффар халқ революцияси бўлган 1917 йил Февраль революциясининг ғалабаларидан ҳам келиб чиқди. Ленин таъкидлаганидек, Февраль ғалабасидан кейин «Революция мисли кўрилмаган даражада тез ривожланиб кетди». Солдат шинелини кийган ишчилар билан деҳқонлар бу революциянинг асосий қатнашчидари бўлдилар. 1917 йилнинг баҳори умумхалқ ҳаракатининг кудратини кўрсатди. Айни вақтда унинг чекланганлиги, шу босқичда революцион онгнинг зиддиятлилиги, тарихий инерциянинг кучи ҳам намоён бўлди, мана шуларнинг натижасида умри тугаб бораётган эксплуататор синфлар халқ ғалабасининг самараларидан вақтинча фойдаланиб қолишга муваффақ бўлдилар.

Февраль революцияси Октябрь ғалабасига асосий қуролни — қайта тикланган Советлар сиймосидаги ҳокимият ташкилотини берди. Февраль реал демократизмнинг, оммани амалда сиёсий тарбиялашнинг қўш ҳокимиятчилик ғоят мураккаб шароитларида орттирилган илк тажрибасидир. Февраль ҳокимиятни меҳнаткашлар қўлига тинч йўл билан ўтказиш имконияти жиҳатидан, афсуски, тарихий вазиятлар оқими батида воқеликка айланмаган имконият жиҳатидан ҳам чоғ воқеадир. Февраль Октябрь йўлидаги жуда муҳим тарихий босқич бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Февраль революциясида қатнашган синфий кучларнинг мураккаб мажмуасида ва ўзаро курашида Ленин социалистик революция ғалабасининг очилган имкониятларини доҳиёна пайқаб олди. Апрель тезислари мана шу тарихий шароитда илмий башорат ва революцион ҳаракат программасининг намунаси бўлди. Ленин буржуа-демократик революциянинг ўсиб, социалистик революцияга айланиш мантиқинигина эмас, шу билан бирга мазкур жараённинг формасини бу жараён Советлар орқали, Советларни большевиклаштириш орқали ўтишини кўрсатиб берди, бунинг моҳияти халқнинг, омманинг ўзи олиб бораётган кураш моҳиятини англаб олишида ва революцияни ўз манфаатлари йўлида онгли равишда амалга оширишда ёрдамлашишдан иборат эди. Февралдан октябргача бўлган йўл—жўшқин ижтимоий ўзгаришлар даври, омманинг тез сиёсий камол топиш даври, революция ва унинг авангарди — Ленин партиясининг жипслашув даври бўлди.

Ўша даврда — февралдан октябргача — Ленин ва унинг сафдошларининг сиёсий маҳорати алоҳида куч билан намоён бўлди, улар революцион фикр ва ҳаракатнинг жонли диалектикаси ибратли сабоғини бердилар. Партия раҳбариятининг коллектив ижодий изланиш, сийқа усуллардан, кечагина, бошқача шароитда ҳеч шубҳасиз ва бирдан-бир тўғри бўлиб туюлган шиорлардан воз кечиш қобилиятини намойиш этди. Ленин фикри кечишининг ўзи, большевикларнинг бутун фаолияти догматизмга қарши, чинакам диалектик, бинобарин, янги тафаккурнинг жуда яққол намунаси бўлди, деб айтиш мумкин. Бу фаолият иш форма ва методларининг тез ўзгартирилиши, тактик ечимларнинг эпчиллиги ва ноёблиги, сиёсий дадиллиги билан ажралиб турар эди. Айниқса революция ва тинчлик, социализм ва тараққиёт тақдири ҳал этиладиган қалтис, бурилиш даврларида ҳақиқий марксчи-ленинчилар худди шундай ва фақат шундай фикрлайдилар ва ҳаракат қиладилар.

1917 йилнинг апрелига қайтайлик: Лениннинг социалистик революция сарғ бурилиш программаси кўп кишиларга — дўстларга ҳам, душманларга ҳам хом хаёл, ғаройиб ҳавас самараси бўлиб туюлган эди. Бироқ, фақат мана шу программа революцияни янада ривожлантиришнинг сиёсий негизи, моҳият жиҳатидан эса социал нажот негизи, сиёсий фалокатнинг олдини олиш асоси бўлиши мумкинлигини ва амалда шундай бўлганлигини ҳаёт кўрсатди.

1917 йилнинг июль кунларини эсга олайлик. Партия бутун ҳокимиятни Советлар қўлига олиш шиоридан алам билан воз кечишга мажбур бўлган эди. Аммо бошқача йўл тутиб бўлмас эди, чунки Советлар бирмунча вақт эсерлар ва меньшевиклар қўлига ўтиб, контрреволюция қаршисида ожиз бўлиб қолган эди. Шунда Ленин революциянинг томир уришини сезгирлик билан кузатиб борди, Советларнинг кураш жараёнида чинакам халқчил моҳият касб этиб, янгидан туғила бошлаганини, бу эса уларнинг ғолибона қуролли қўзғолон органи, сўнгра эса ишчи-деҳқонлар ҳокимиятининг сиёсий формаси ҳам бўлишига имкон берганлигини доҳиёна белгилаб берган эди.

Мана шуларнинг ҳаммаси улуғ революция солномасининг шунчаки саҳифалари эмас, бу — коммунистларнинг доимо воқеалар қиррасида бўлиш, дадил қарорлар қабул эта олиш, ҳозирги кун ва келажак учун масъулиятни тўла-тўкис зиммага ола билишдан иборат юксак бурчини бизга, ҳозир яшаб турган кишиларга доимо эслатиб ҳам турибди.

Октябрь революцияси миллион-миллион кишиларнинг қудратли жасорати бўлди, ишчилар синфининг туб манфаатлари, деҳқонларнинг асрий орзу-умидлари, солдат ва матросларнинг тинчликка ташналиги, кўп миллатли Россия халқларининг озодлик ва рўшноликка кучли интилиши шу жасоратда бирлашган эди. Большевиклар партияси турли манфаатларнинг мураккаб мажмуаси орасидан энг муҳимини топа олди, турли-туман тенденциялар ва муддаоларни бирлаштириб, уларни революциянинг асосий масаласи — ҳокимият тўғрисидаги масалани ҳал этишга қарата олди. Бинобарин пролетариат диктатураси давлати ўзининг дастлабки Сулҳ ва Ер тўғрисидаги декретларида замон талабларига амалий иш билан жавоб берди, ишчилар синфининггина эмас, айни вақтда мутлақ кўпчилик халқнинг ҳам чуқур манфаатларини ифодалади.

Ҳозир октябрь кунларининг яна бир жуда муҳим, принципиал сабоғини эслатиб ўтиш зарур. Турмуш, революцион воқелик ўртага қўяётган масалага — социализмга бориш йўли назарий «модели»нинг социалистик қурилиш реал практикасига нисбати тўғрисидаги масалага Ленин берган жавоб бизнинг давримизда бениҳоя муҳимдир. Марксизм-ленинизм —тайёр қоидалар ва доктринёрлик йўл-йўриқларнинг йиғиндиси эмас, балки ижодий таълимотдир. Калтабин догматизмга ёт бўлган марксча-ленинча таълимот новаторларча назарий фикрнинг практика билан, революцион кураш жараёнининг ўзи билан актив ўзаро боғланишини таъминлайди. Улуғ Октябрь — бунинг ғоят сабоқ бўларли намунасидир.

Ўша даврдаги ишчилар ҳаракатининг кўпгина, ҳатто йирик арбоблари ҳам Октябрь социалистик революциясини қонуниятли ҳодиса деб билишдан воз кечганликлари: гўё у «қоидадан ташқари», таркиб топган назарий қарашларга номувофиқ тарзда содир бўлди, деб айтганликлари маълум. Уларнинг назарида Россия капитализми 1917 йил октябригача социализмнинг ҳамма зарур моддий ва маданий шарт-шароитларини яратиб бермаган эди. Революциямизнинг бундай танқидчиларига Ленин қандай жавоб қайтарганлигини эслаш ибратли ва фойдали деб ўйлайман. «Сиз, социализмни барпо этиш учун цивилизацияли бўлиш керак, дейсиз, — деб эътироз билдирди у. — Жуда яхши. Хўш, нима учун биз даставвал помешчикларни ҳайдаб юбориш ва Россия капиталистларини ҳайдаб юбориш йўли билан цивилизация учун зарур шароитни ўзимизда вужудга келтириб, сўнгра социализм сари ҳаракат қила бошламаймиз?»

Марксизмни догматик тарзда, расмиятчилик билан талқин этувчилар бу таълимотдаги асосий хусусиятни — унинг революцион диалектикасини тушуна олмас эдилар. Лениннинг Октябрдан кейинги бутун фаолияти айни шу хусусият билан ажралиб туради. Айни шу фаолият минг-минглаб кишиларнинг ҳаётини, социалистик Ватан ҳаётининг ўзини қутқариб қолган Брест сулҳи каби сиёсий ва маънавий жасоратни бениҳоя қалтис шароитда тузишга ёрдам берди.

Бошқа бир мисол. Маркс билан Энгельс каби Ленин ҳам халқ милицияси революциянинг қуролли посбони бўлишига эътиқод билан ишонган эди. Бироқ конкрет шарт-шароитлар бошқача қарорга келинишини тақозо этди. Халқ бошига солинган гражданлар уруши, ташқи интервенция янгича ёндашувни талаб қилди. Лениннинг декретига биноан ишчи-деҳқон Қизил Армияси тузилди. Бу янги типдаги армия бўлди, у гражданлар урушида ва чет эл интервенциясини даф қилишда ўзини сўнмас шуҳратга чулғади.

Шу йилларда ёш Совет ҳокимияти қаттиқ синовларга дуч келди. Социализм яшайдими ёки барбод бўладими? — деган савол тўғридан-тўғри ва қатъий тарзда кўндаланг бўлиб қолди. Партия халқни жипслаштириб социалистик Ватанни, Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга сафарбар этди. Оч-яланғоч, ёмон қуролланган қизил жангчилар яхшилаб ўқитилган ва қуроллантирилган, Ғарб ва Шарқ империалистлари зўр бериб боққан контрреволюция армиясини тор-мор қилдилар. Гражданлар урушининг оловли ларзаси бутун мамлакат бўйлаб, ҳар бир оиладан ўтган эди, одатдаги турмуш укладини, одамларнинг психологияси ва тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди. Халқнинг иродаси, миллионларнинг янги турмуш муддаоси шу ҳаёт-мамот жангида ғолиб келди. Мамлакат ёш армияга ёрдам бериш учун ҳамма ишни қилди, Ленин ўртага ташлаган: «Ҳамма нарса ғалаба учун!» шиори остида яшади ва ишлади.

Тилларда достон бўлган қаҳрамонлар—жасур денгизчилар ва отлиқ аскарлар, ёш Қизил Армия жангчилари ҳамда командирлари ва қизил партизанларнинг жасорати хотирамизда асрлар оша муҳрланиб қолади. Улар революцияни ҳимоя қилдилар, уларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Янги иқтисодий сиёсат тўғрисидаги қарор ҳам жуда теран революцион диалектика руҳи билан суғорилган эди, бу сиёсат социализм тўғрисидаги, уни қуриш йўллари ҳақидаги тасаввурлар уфқини анча кенгайтирди.

Ёки бошқа бир масалани олиб кўринг. Маълумки, Ленин «кооператив социализм» чекланганлигини танқид қилган эди. Октябрдан кейин халқ ҳокимиятни ўз қўлига олиши натижасида вужудга келган конкрет шароитда эса у мазкур масалага янгича назар ташлади. «Кооперация тўғрисида»ги мақолада социализм «цивилизацияли кооператорлар» жамияти бўлиши ҳақидаги қоида ишлаб чиқилди.

Революцион таълимот моҳиятининг ўзини ифодалаган ва Ленин бекаму-кўст эгаллаб олган марксча диалектиканинг кучи ва дадиллиги мана шундай бўлган эди. Янги дунёни барпо этишда «Ҳали биз бошлаган ишни кўп марталаб охирига етказишимизга, қайтадан қилишимизга, қайтадан бошлашимизга тўғри келади», деб ҳисоблаган эди у.

Дарҳақиқат, биз бошланган ишни неча марталаб охирига етказишимизга ва қайтадан қилишимизга, узоқ давом этган шиддатли курашга бардош беришимизга, бурилиш, революцион характердаги тарихий жараёнларни бошдан кечиришимизга тўғри келди. Мана шулар эса олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг вазиятларини, шароитини кўп жиҳатдан ўзгартириб юборди. Мана шулар бизнинг ўзимизни ҳам ўзгартирди, чиниқтирди, тажриба, билим билан бойитди, революция ишининг муваффақиятига янада кўпроқ ишонч бахш этди.

Биз босиб ўтган йўлни жаҳоншумул-тарихий миқёсда баҳолаганда қайта-қайта шунга ишонч ҳосил қиламиз: қисқа муддат ичида биз бошқалар юз йиллар мобайнида қилган ишни уддаладик.

Капитализм ўртача даражада ривожланган, саноат юксак даражада концентрациялашган, деҳқон аҳолиси кўпчиликни ташкил этган, феодализмнинг ва ҳатто ундан аввалги ижтимоий формацияларнинг сарқитлари чуқур бўлган мамлакатда социалистик революция қилинди. Россия фан ва маданият соҳасида улуғвор ютуқларни жаҳонга намойиш этди, аммо аҳолисининг тўртдан уч қисми саводсиз эди. Империалистик уруш ва ношуд бошқарув сабабли мамлакат ҳаддан ташқари хонавайрон бўлган эди.

Янги турмуш қуришнинг намуналари йўқ эди, у бунёдкорлик ечимларини тинимсиз излашни тақозо қилар эди. Коммунистлар партиясининг мақсади равшан эди —бу мақсад революция ва социализм йўлидан, Совет ҳокимиятидан иборат эди. Ленин партияни айни шу йўлдан олға бошлади.

Омманинг жонли ижодкорлигида, кўп укладли Россиянинг жуда мураккаб материалидан бўлажак социалистик тузум принциплари ва нормалари, жамиятни ташкил этишнинг тарихда мисли кўрилмаган формалари аниқ-равшан шакллана борди. Халқ ҳокимиятининг формалари, мулкни умумлаштириш йўллари ва чегаралари, социалистик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги, ўртоқларча интизомни йўлга қўйиш тўғрисидаги, инсоннинг янги жамиятдаги ўрни ва роли ҳақидаги аввалига соф назарий бўлган тасаввурларга аниқлик киритилаверди, улар реал ҳаётий мазмун билан бойитилаверди.

Октябрнинг асосий мазмуни янги турмушни бунёд этишдан иборатдир. Бу ишда бир кун ҳам узилиш бўлгани йўқ. Ҳатто қисқа муддатли нафасни ростлаб олишдан ҳам қурилиш учун, социалистик келажак йўлларини излаш учун фойдаланилди.

Йигирманчи йилларнинг бошларида халқ ташаббуси ва ижоди жуда юксакликка кўтарилди. Бу йиллар социал новаторликнинг, ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқининг энг мақбул формаларини қидиришнинг, меҳнат аҳли манфаатларининг ғоят кенг доирасини рўёбга чиқариш механизмини шакллантиришнинг чинакам революцион лабораторияси бўлиб қолди.

Партия уруш ва вайронагарчилик шароитида мажбуран олиб борилган ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолни ташкил этишнинг ҳарбий-коммунистик методларидан социал воқеликка таъсир кўрсатишнинг янада пухта, иқтисодий асосланган, «мунтазам» воситаларига ўтиб борди. Янги иқтисодий сиёсат чоралари социализмнинг моддий пойдеворини қуришга қаратилди.

Ҳозир биз Ильичнинг сўнгги асарларига, Лениннинг Янги иқтисодий сиёсат ғояларига борган сари тез-тез мурожаат қилмоқдамиз, бу тажрибанинг энг қимматли томонларини биз учун бугунги кунда зарур бўлган жиҳатларини олишга интилмоқдамиз. Янги иқтисодий сиёсат билан ҳозир, тараққиётнинг мутлақо бошқа босқичида турган вақтимизда қилаётган ишларимизни тенглаштириш хато бўлур эди, албатта. Мамлакатда ҳозир яккаҳол деҳқонлар йўқ, ҳолбуки улар билан тузилажак иттифоқ йигирманчи йиллар иқтисодий сиёсатининг энг зарур мақсадларини белгилаб берган эди.

Ленин Янги иқтисодий сиёсат бирмунча узоқ мақсадларни ҳам кўзлаган эди. Янги жамиятни «Бевосита ғайрат-шижоат асосида эмас, балки буюк революция туғдирган ғайрат шижоат ёрдами билан, шахсий манфаат асосида, шахсий манфаатдорлик асосида, хўжалик ҳисоби асосида» қуриш вазифаси қўйилган эди. «Турмуш бизга шуни кўрсатди, — деб ёзган эди Ленин. — Революциянинг объектив ривожланиб бориши бизга шуни кўрсатди».

Янги иқтисодий сиёсатнинг ижодий потенциали ҳақида гапирган вақтда афтидан, озиқ-овқат солиғи ғоясининг сиёсий ва методологик бойлигини яна бир бор тилга олиш керак бўлади. Равшанки, бизни бу сиёсатнинг ишчилар билан деҳқонлар ўртасида боғланишни таъминлаб бериши керак бўлган ўша вақтдаги формалари ўзига жалб қилаётгани йўқ, балки бизни қизиқтираётган нарса озиқ-овқат солиғи ғоясида мужассамлашган омманинг бунёдкорлик ғайратини рўёбга чиқариш, инсоннинг ташаббускорлигини ошириш, социализмнинг асосий принципи бўлган «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган принципнинг амал қилишини чеклаб қўядиган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш имкониятларидир.

В. И. Ленин раҳбарлигида бошланган социалистик қурилиш кўпгина принципиал янгиликлар берди.

Жаҳон тарихида биринчи марта планли хўжалик юритиш усуллари ишлаб чиқилди ва қўлланилди. ГОЭЛРО плани — чинакам кашфиёт, жаҳон иқтисодий тафаккури ва амалиёти ривожланишидаги бутун бир босқичдир, улуғвор электрлаштириш планигина эмас, балки Ленин фикрича, деҳқончиликни саноатни ва транспортни «уйғун равишда қўшиб олиб бориш» лойиҳасидир. Ҳозирги тил билан айтадиган бўлсак, — мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг комплекс программасидир. Ленин уни партиянинг иккинчи программаси, «Бутун халқ хўжалигини янгидан барпо этиш ва уни ҳозирги замон техникаси даражасига кўтариш соҳасидаги ишлар плани» деб атади.

Ўтмиш тажрибасини ҳам, революция уйғотган ҳамда халққа хизмат қилишга илҳомлантирган талантларнинг, ёрқин даҳоларнинг ранг-баранг бойлигини, жасоратини, ўзига хослигини ҳам ўз ичига олган янги маданият дунёга келди. Кўпмиллатли Советлар давлатини ташкил этишнинг бошланғич, ленинча босқичи ўз натижалари жиҳатидан эмас, шу билан бирга тажрибаси, методологияси жиҳатидан ҳам биз учун ҳамиша аҳамиятли бўлиб қолади.

Ленин «НЭП Россиясидан социалистик Россия дунёга келадиган» вақт ҳақида ўйлар экан, келгуси жамият манзарасини батафсил ва ипидан игнасигача чизиб бера олмас эди, зотан у бундай вазифани ўз олдига қўймаган ҳам эди. Машина индустриясини барпо этиш, кенг кўламда кооперациялаш, меҳнаткашлар оммасининг ҳаммасини давлатни бошқаришга, давлат аппарати ишини «оз бўлсину, соз бўлсин» принципи асосида ташкил этишга жалб қилиш орқали, «бутун халқ оммасини маданий ривожлантириш», «ёлғон ва зўрликсиз» эркин миллатлар федерациясини мустаҳкамлаш орқали социализм сари боришнинг йўллари, усуллари — худди ана шулар жамиятни ташкил этишнинг мутлақо янги босқичига кўтарилиб бораётган мамлакат қиёфасини шакллантириши керак эди.

Лениннинг ниҳоятда интеллектуал ва таъсирчан сўнгги асарларида мамлакатимизда социализм қурилиши тўғрисидаги қарашлар системаси ва бу ҳақдаги концепциянинг ўзи ҳам таркиб топди. Бу асарлар партиянинг жуда катта назарий бойлигидир.

Владимир Ильич Лениннинг бевақт вафоти бутун партия ва совет халқини ғоят қаттиқ ларзага солди. Ғам-аламнинг чеки йўқ эди. Бу жудоликнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмас эди. Буни ҳамма тушунарди. Олдинда жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ишлар турарди. Партиянинг раҳбарлари Ленинсиз, унинг таълимоти ҳамда васиятларига амал қилиб, революция ютуқларини мустаҳкамлайдиган ва мамлакатни ўша вақтдаги Совет Россиясининг конкрет шароитида социализмга олиб борадиган энг мақбул ечимларни излаши керак эди.

Тарих янги тузум олдига жуда қаттиқ талаб қўйди: ё ғоят қисқа муддат ичида ўз социал-иқтисодий ва техникавий базасини яратиб, яшаб қолиши ва инсониятга жамиятни одилона ташкил этишнинг биринчи тажрибасини бериши, ёҳуд нари борганда, сўниб, асрлар хотирасида қаҳрамонона, лекин муваффақиятсиз чиққан социал тажриба бўлиб қолиши керак эди. Аввало социалистик ўзгартишларни жадал суръатлар билан амалга ошириш масаласи ҳаётий муҳим масала бўлиб қолди, том маънода олганда тақдирни ҳал қиладиган аҳамият касб этди.

Лениндан кейинги давр — 20 ва 30-йиллар Совет давлати тарихида алоҳида ўрин эгаллади. Атиги ўн беш йил ичида туб ижтимоий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу йиллар социалистик қурилишнинг энг мақбул вариантларини излаш нуқтаи назаридан ҳам, янги жамият негизларини барпо этишда қўлга киритилган реал ютуқлар нуқтаи назаридан ҳам жуда кўп нарсани ўз ичига қамраб олди. Бу йиллар инсоннинг бор имкониятларини ишга солиб жуда қаттиқ меҳнат қилиш, кўп соҳаларда кескин кураш олиб бориш йиллари бўлди. Индустриялаш, коллективлаштириш, маданий революция, кўпмиллатли давлатни мустаҳкамлаш, СССРнинг халқаро позицияларини қарор топтириш, экономикани ва бутун ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг янги формалари — буларнинг ҳаммаси ана шу даврга тўғри келди. Бу ишларнинг ҳаммаси келажак учун катта аҳамиятга эга эди.

Неча ўн йилликлар давомида биз бу даврни қайта-қайта эсга оламиз. Бу табиийдир. Чунки жаҳонда биринчи социалистик жамият ўша вақтда бошланди, ўша вақтда қурилди. Бу тарихий кўламга ва тарихий аҳамиятга молик жасорат эди. Мана шу жасоратлар ва ютуқлар абадий яшаганидек, биз ҳам ота ва боболаримиз жасоратига ҳамиша таҳсин ўқиймиз, қўлга киритган ютуқларимизга берилган баҳолар абадий яшайди. Модомики, биз бугун ўз тарихимизга баъзан танқид кўзи билан қараётган эканмиз, бундан мақсад шуки, келажакка олиб борадиган йўлимизни яхшироқ, тўлароқ тасаввур қилишни истаймиз.

Ўтмишга тарихий масъулият ҳисси билан ва тарихий ҳақиқат асосида баҳо бермоқ керак. Биринчидан, ўша йиллар давлатимиз тақдири учун, социализм тақдири учун жуда катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли шундай қилмоқ керак. Иккинчидан, бу йиллар бизнинг мамлакатимизда ҳам, чет элда ҳам кўп йиллардан бери давом этиб келаётган мунозаралар марказида турибди. Чет элда ҳақиқатни излаш билан бир қаторда кўпинча социализмни янги ижтимоий тузум сифатида, капитализмнинг реал альтернативаси сифатида обрўсизлантиришга уринилмоқда. Ниҳоят тарихимизнинг мана шу ва бошқа барча даврларига ҳаққоний баҳо бериш биз учун айниқса ҳозир, қайта қуриш авж олиб кетган бир вақтда зарурдир, бу нарса сиёсий ўч олиш ёки юракни бўшатиб олиш учун эмас, балки ўтмишда қилинган барча қаҳрамонона ишларни муносиб баҳолаш учун, хато ва камчиликлардан сабоқ чиқариб олиш учун керак.

Шундай қилиб, Лениндан кейинги 20—30-йиллар ҳақида. Партия ва жамият социализм қуришнинг ленинча концепцияси билан, Владимир Ильичнинг Октябрдан кейинги даврда ёзган асарлари билан қуролланган бўлишига қарамай, социализм қуриш йўлларини излаш жуда қийин, кескин ғоявий кураш шароитида, сиёсий мунозаралар шароитида борди. Бу мунозаралар марказида жамиятни ривожлантиришнинг туб проблемалари, аввало — мамлакатимизда социализм қуриш мумкинлиги масаласи турди. Назарий фикр ва амалиёт социал-иқтисодий ўзгартишларни қайси йўлдан ва қандай формаларда амалга ошириш кераклигини, Совет Иттифоқи яшаб турган конкрет тарихий шароитларда бу ўзгартишларни социалистик негизда ҳал этишни қандай таъминлаш кераклигини излади.

Кун тартибида амалий, конструктив иш турар, бу иш ғоят катта масъулиятни талаб қилар эди. Аввало мамлакатни индустриялаш ва экономикани реконструкциялаш масаласи ўткир қилиб қўйилди, бусиз социалистик қурилишни амалга ошириб, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаб бўлмас эди. Бу масала Лениннинг бевосита кўрсатмаларидан, унинг назарий меросидан келиб чиқар эди. Қишлоқдаги социалистик ўзгартишлар масаласи ҳам ана шу тарзда ва Ленин васиятларига мувофиқ тарзда қўйилган эди.

Шу тариқа гап бурилишни таъминлайдиган ғоят катта ишлар, проблемалар ҳамда вазифалар ҳақида борар эди. Такрор айтаман, гарчи партия мазкур масалалар хусусида Лениннинг йўл-йўриқларига эга бўлса-да, улар теварагида кескин мунозаралар авж олиб кетди.

Афтидан шуни айтиш ўринлики, революциядан олдин ҳам, кейин ҳам, социалистик қурилишнинг дастлабки йилларида партиянинг ҳамма раҳбарлари ҳам бир қанча жуда муҳим проблемалар бўйича Лениннинг фикрига қўшилган деб бўлмайди. Бундан ташқари Лениннинг тавсиялари янги жамият қуришнинг ҳамма конкрет масалаларини ўз ичига ололмас эди. Ўша вақтдаги ғоявий баҳсларни анализ қилганда шуни назарда тутиш керакки, ўша вақтдаги Россия каби бир мамлакатда жуда катта революцион ўзгартишларни амалга оширишнинг ўзи ғоят қийин вазифа эди. Мамлакат тарихий юришни бошлаган, унинг ривожланиши кескин жадаллашиб бораётган, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жиҳатлари тез ва чуқур ўзгариб бораётган эди.

Синфлар, социал группалар ва қатламларнинг ғоят хилма-хил манфаатларини, давр талаблари ва вазифаларини, тарихий анъаналарни ҳамда долзарб вазифалар тазйиқини, шунингдек душман капиталистик қуршовининг шарт-шароитларини ўзида акс эттирган бу ғоявий кураш экономика, сиёсатдаги, одамлар ҳаётининг барча соҳаларидаги воқеалар ва жараёнлар билан маҳкам чирмашиб кетган эди.

Хуллас, шу қадар мураккаб ва жўшқин вазиятни англаб, бирдан-бир тўғри йўлни топиш ғоят қийин эди. Ғоявий кураш характери партия раҳбарлари орасидаги шахсий рақобат туфайли ҳам анча мураккаблашди. Ленин ҳаётлик чоғидаёқ мавжуд бўлган эски ихтилофлар янги вазиятда ҳам жуда кескин шаклда ўз кучини кўрсатди, маълумки, Ленин бундай хавф тўғрисида огоҳлантирган эди. У «Съездга хат»да «бу майда нарса эмас, ёки бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган майда нарсадир», деб таъкидлаган эди. Кўп жиҳатдан шундай бўлиб чиқди ҳам.

Айрим обрўли арбобларнинг майда буржуача руҳи устун келди. Улар фракциячилик йўлига ўтиб олдилар. Бу ҳол партия ташкилотларини издан чиқарди, амалий ишдан чалғитди, ишлашга халақит берди. Бу арбобларнинг қарашлари ленинча ғоялар ва планларга қарши эканлиги, уларнинг таклифлари хато бўлиб, мамлакатни тўғри танлаб олинган йўлдан чалғитиши мумкинлиги партия аъзоларининг аксарият кўпчилигига аён бўлган вақтда ҳам улар ажралишга уринишни давом эттирдилар.

Бу гап аввало Л. Д. Троцкийга тегишли. У Ленин вафотидан кейин партияга раҳбарликни қаттиқ даъво қилиб, Лениннинг у ҳақда ҳаддан ташқари ўзига ишонадиган, ҳамма вақт айёрлик, ғирромлик қилувчи сиёсатчи, деб берган баҳосини тамомила тасдиқлади. Троцкий ва троцкийчилар капиталистик қуршов шароитида социализм қуриш мумкинлигини инкор этган эдилар. Ташқи сиёсатда революцияни экспорт қилишга, ички сиёсатда эса деҳқонларга нисбатан «гайкаларни бурашга», шаҳарнинг қишлоқни эксплуатация қилишига, жамиятни бошқаришга маъмурий-ҳарбий методларга кўчиришга умид боғлаган эдилар. Троцкизм — сиёсий оқим бўлиб, унинг идеологлари сохта сўл революцион иборалар билан ниқобланиб, аслида эса таслимчилик позициясида турар эдилар. Аслини олганда бу бутун фронт бўйлаб ленинизмга ҳужум қилиш эди. Амалда гап мамлакатимизда социализм тақдири ҳақида, революция тақдири ҳақида бормоқда эди.

Ана шундай шароитда бутун халқ олдида троцкизмни фош қилиш, унинг социализмга зид моҳиятини очиб ташлаш керак эди. Вазиятни шу нарса ҳам мураккаблаштирган эдики, троцкийчилар Г. Е. Зиновьев ва Л. Б. Каменев бошлиқ «янги оппозиция» билан бирга иш олиб бордилар. Оппозиция раҳбарлари озчилик эканликларини тушунган ҳолда партия сафларини бўлиб юборишга умид боғлаб, партияни қайта-қайта мунозара олиб боришга мажбур қилдилар. Лекин пировардида партия Марказий Комитет йўлини ёқлаб, оппозицияга қарши чиқди, оппозиция ғоявий ва ташкилий жиҳатдан тор-мор қилинди.

Шундай қилиб, партиянинг И. В. Сталин бошлиқ раҳбар ядроси ғоявий курашда ленинизмни қаттиқ туриб ҳимоя қилди, социалистик қурилишнинг дастлабки босқичида стратегия ва тактикани таърифлаб берди, партия аъзолари ва меҳнаткашларнинг кўпчилиги сиёсий йўлни маъқуллашига эришди. Троцкизмни ғоявий жиҳатдан тор-мор қилишда Н. И. Бухарин, Ф. Э. Дзержинский, С. М. Киров, Г. К. Орджоникидзе, Я. Э. Рудзутак ва бошқалар муҳим роль ўйнадилар.

20-йилларнинг охирида деҳқонларни социализмга ўтказиш йўллари тўғрисидаги масала юзасидан ҳам кескин кураш бошланиб кетди. Бу курашда аслини олганда Сиёсий бюро кўпчилиги ва Бухарин группаси совет жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичида Янги иқтисодий сиёсат принципларини қўлланишга турлича муносабатда эканликлари аён бўлди.

Ўша даврнинг конкрет шароити — ҳам ички, ҳам халқаро шароити социалистик қурилиш суръатларини анча оширишни муҳим вазифа қилиб қўйди. Бухарин ва унинг тарафдорлари ўз режаларида, назарий фикрларида 30-йилларда социализм қурилишида вақт омилининг аҳамиятига амалда етарли баҳо бермадилар. Уларнинг позициясини догматик фикрлаш, конкрет вазиятни ғайридиалектик баҳолаш кўп жиҳатдан белгилаб берган эди. Бухариннинг ўзи ҳам, унинг тарафдорлари ҳам тез орада ўз хатоларини тан олишди.

Шу муносабат билан Ленин Бухаринга берган характеристикани эсга олиш ўринлидир: «Бухарин партиянинг энг қимматли ва энг йирик назариётчисигина эмас, шу билан бирга қонуний равишда бутун партиянинг севикли кишиси ҳисобланади, лекин унинг назарий қарашларини жуда катта шубҳа билан тўла марксистик қарашлар, деб ҳисоблаш мумкин, чунки унда қандайдир схоластик нарса бор (у диалектикани ҳеч қачон ўрганмаган ва фикримча, у ҳеч қачон диалектикани тўла-тўкис тушунган эмас)». Ҳаёт Лениннинг ҳақлигини яна тасдиқлади.

Шундай қилиб, ўша даврдаги сиёсий мунозаралар партия тараққиётидаги мураккаб жараённи акс эттирди, социалистик қурилишнинг ғоят муҳим проблемалари соҳасидаги кескин кураш бу жараёнга хосдир. Партия шу кураш орқали ўтишига тўғри келди ва мана шу курашда индустриялаш ва коллективлаштириш концепцияси таркиб топди.

Партия, унинг Марказий Комитети раҳбарлигида мамлакатда қисқа муддатда деярли янгидан оғир индустрия, шу жумладан машинасозлик, мудофаа саноати, ўз даврига нисбатан замонавий бўлган химия ишлаб чиқариши вужудга келтирилди. ГОЭЛРО плани бажарилди. Магнитка, Кузбасс, ДнепроГЭС, Уралмаш, Хибин комбинати, Москва ва Горькийдаги автомобиль заводлари, авиация заводлари, Сталинград, Челябинск ва Харьков трактор заводлари, Ростсельмаш, Комсомольск-Амур, Турксиб ва Катта Фарғона канали, дастлабки беш йилликларнинг бошқа кўпгина улкан [illegible] рилишлари мана шу ютуқларнинг шонли рамзи бўлиб [illegible] ди. Бу вақтда ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари, [illegible] ўқув юртларининг кенг тармоғи вужудга келди.

Партия индустриялашнинг илгари маълум бўлмаган [illegible] лини — пул билан таъминлашнинг ташқаридан [illegible] манбаларига умид боғламасдан енгил саноатни ривож[illegible] риш ҳисобига кўп йиллар давомида маблағ жамғарили[illegible] кутиб ўтирмасдан биратўла оғир индустрияни илгари [illegible] риш йўлини таклиф этди. Бу гарчи мамлакат ва халқ [illegible] мислсиз даражада қийин бўлса-да, лекин ўша вақт шароити[illegible] да мумкин бўлган бирдан-бир йўл эди. Бу новаторларча [illegible] дам бўлиб, унда омманинг революцион интилишлари [illegible] содий ўсишнинг таркибий қисми, деб ҳисобга олинган [illegible] Индустриялаш бир зарб билан мамлакатни сифат [illegible] дан янги босқичга олиб чиқди. 30-йиллар охирига [illegible] Совет Иттифоқи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш [illegible] тидан Европада биринчи ўринга ва дунёда [illegible] ўринга чиқиб олди, ҳақиқатан ҳам буюк [illegible] триал давлатга айланди. Бу жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган меҳнат жасорати эди, озод қилинган меҳ[illegible] нинг жасорати, большевиклар партиясининг жасорати [illegible]

Тарихга ҳушёр назар ташлаб, ички ва халқаро реал [illegible] ятларнинг барчасини ҳисобга олиб: ўша шароитда [illegible] таклиф қилган йўлдан бошқа йўлни танлаб олиш мумкин [illegible] ди, деб савол бермасликнинг иложи йўқ. Модомики, [illegible] тарихийлик принципи, ҳаёт ҳақиқати позицияларида [illegible] ни истар эканмиз, бу саволга фақат битта: йўқ, [illegible] эмас эди, деб жавоб бера оламиз. Империалистик агре[illegible] хавфини ҳис этиш яққол кучайиб бораётган бир шаро[illegible] партияда болға ва деҳқонлар омочидан ривожланган [illegible] триягача бўлган масофани одимлаб ўтиш эмас, балки [illegible] қисқа тарихий муддатларда тез ҳатлаб ўтиш зарур, [illegible] ишонч қарор топди, бусиз бутун революция иши му[illegible] ҳалок бўлур эди.

Партия илгари сурган, омма тушуниб қабул қилган [illegible] ларнинг, Октябрнинг революцион руҳи мужассамла[illegible] шиорлар ва режаларнинг ҳаётийлиги бутун дунёни [illegible] га солган ғайрат-шижоатда ўз ифодасини топди. Мил[illegible] лаб совет кишилари ана шундай ғайрат-шижоат билан [illegible] индустриясини қуришга киришдилар. Одамлар ғоят [illegible] механизация бўлмаган бир шароитда ярим оч, ярим [illegible] яшаб, мўъжиза яратдилар. Улар улуғ тарихий ишга [illegible] дор бўлаётганларидан илҳомландилар. Улар гарчи жуда [illegible] водли бўлмасалар-да, нақадар катта, мислсиз ишнинг [illegible] рокчилари бўлаётганликларини синфий туйғулари [illegible] тушуниб етдилар.

Бизнинг бурчимиз, биздан кейин борадиганларнинг [illegible] боболар ва оталаримизнинг мана шу жасоратини эсда [illegible] тишдан иборатдир. Уларнинг меҳнати ва беғараз ғай[illegible] шижоати беҳуда кетмаганлигини ҳар бир киши билиши [illegible] рак. Улар зиммаларига тушган ҳамма қийинчиликларни [illegible] дилар ва Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлашга, Ва[illegible] мизни ўлим хавфидан ҳимоя қилиб қолиш, Ватанимизни [illegible] лажак учун, сиз ва биз учун, ўртоқлар, сақлаб қолиш [illegible] нини берган куч-қудратимизнинг негизларини яратишга [illegible] да катта ҳисса қўшдилар. Уларга шон-шарафлар [illegible] Уларнинг номи мангу яшасин!

Шу билан бирга биз сўз юритаётган давр маҳрумлик[illegible] ҳам келтирди. Бу маҳрумликлар мен бу ерда тилга [illegible] муваффақиятларнинг ўзи билан ҳам маълум даражада [illegible] лиқ эди. Ўша вақтда қаттиқ марказлаштириш ҳар [illegible] дан самарали эканлигига, буйруқбозлик усуллари ҳар [illegible] дай вазифаларни ҳал қилишнинг энг қисқа, энг яхши [illegible] эканлигига ишониб қолинди. Бу ҳол одамларга муносаба[illegible] да, уларнинг турмуш шароитига муносабатда акс этди.

Мамлакатда партиявий-давлат раҳбарлигининг маъму[illegible] буйруқбозлик системаси пайдо бўлди, бюрократизм ку[illegible] борди. Бунинг хавфи тўғрисида ўз вақтида Ленин ого[illegible] тирган эди. Бошқаришнинг тегишли структураси ва [illegible] лаштириш методлари ҳам таркиб топа бошлади. Саноат[illegible] ўша вақтдаги ҳажмларида, индустрия биносининг [illegible] асосий объектлари ҳамманинг кўз олдида турган [illegible] бундай методлар, бошқаришнинг бундай системаси [illegible] олганда ўз натижаларини берди. Бироқ марказлаштири[illegible] буйруқбозликнинг бундай қаттиқ системасига [illegible] лоқни қайта ўзгартириш вазифаларини ҳал қилиш [illegible] йўл қўйиб бўлмас эди.

Шуни очиқ айтиш керакки, янги босқичда меҳна[illegible] деҳқонларнинг манфаатларига ленинчасига эътибор[illegible] носабат етишмас эди. Энг муҳими — деҳқонлар ре[illegible] циядан кейинги йиллар мобайнида синф сифатида [illegible] ўзгарганлигига етарли баҳо берилмади. Ўртаҳол деҳ[illegible] қишлоқда асосий фигура бўлиб қолди. Революциядан [illegible] ер олган ва бутун бир ўн йиллик мобайнида Совет ҳоки[illegible] ти ўзининг ҳам ҳокимияти эканлигига ишонч ҳосил [illegible] меҳнаткаш деҳқонлар хўжайин сифатида қарор топди [illegible] ишчилар синфининг содиқ ва ишончли иттифоқчиси [illegible] қолди, янги негизда иттифоқчи бўлиб қолди, ўзининг [illegible] борган сари яхшиланаётганлигига амалда ишонч ҳосил [illegible] либ борди.

Агар объектив иқтисодий қонунлар билан кўпроқ [illegible] лашилганида ва кўпчилиги революцияда қатна[illegible] ва уни оқ гвардиячилардан ҳамда интервент[illegible] ҳимоя қилган меҳнаткаш деҳқонларнинг мана шу [illegible] да катта оммасига муносабат сиёсий жиҳатдан [illegible] пухта ўйлаб олиб борилганида эди; агар қулоқларга [illegible] ўртаҳол деҳқонлар билан иттифоқ тузиш йўли изчил [illegible] га оширилганида эди, у ҳолда коллективлаштиришни [illegible] зиш чоғида юз берган оғишлар ҳам бўлмас эди.

Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги тақдирига таал[illegible] бўлган жуда катта ишда деҳқонларга муносабат со[illegible] ленинча сиёсатдан четга чиқишга йўл қўйилганлиги [illegible] равшандир. Кўп нарса маҳаллий шароитга боғлиқ [illegible] мана шу ғоят муҳим ва жуда мураккаб социал жара[illegible] раҳбарлик асосан маъмурий методлар билан амалга ошир[illegible] Ҳамма проблемаларни бир зарб билан ғоят қисқа муд[illegible] ҳал қилиш мумкин деган ишонч пайдо бўлди. Мамлака[illegible] бутун-бутун область ва регионлари тўла коллективла[illegible] ришни ким тезроқ ўтказади, деб мусобақалаша бош[illegible] Юқоридан ўзбошимчалик билан процентлар белгила[illegible] рилди. Ҳамма ерда коллективлаштириш принциплари [illegible] равишда бузила бошлади. Қулоқларга қарши курашни [illegible] га оширишда ҳам ҳаддан ошишлар юз берди. Қулоқ[illegible] қарши курашдан иборат аслида тўғри бўлган йўл шу [illegible] кенг изоҳландики, натижада у ўртаҳол деҳқонларнинг [illegible] анчагина қисмини қамраб олди. Тарихий реаллик ана [illegible] дай.

Лекин, ўртоқлар, қишлоқда социализм позиция[illegible] мустаҳкамлашда коллективлаштиришнинг аҳамиятига [illegible] ман баҳо бериладиган бўлса, у пировард натижада при[illegible] пиал аҳамиятга эга бўлган бурилиш эди. Коллектив[illegible] риш мамлакат аҳолиси асосий оммасининг бутун турму[illegible] ладини социалистик асосда тубдан ўзгартиришни ан[illegible] эди. У аграр секторни модернизациялаш ҳамда уни [illegible] ний хўжалик юритиш изига ўтказиш учун социа[illegible] яратди, меҳнат унумдорлигини анча ошириш имкони[illegible] ди, социалистик қурилишнинг бошқа соҳалари учун [illegible] бўлган ишчи қўлларнинг анчагина қисмини бўшатиб [illegible] Мана шуларнинг ҳаммаси тарихий натижалар берди.

Ўша йиллардаги вазиятни тушуниш учун шуни на[illegible] тутиш керакки, индустриялаш жараёнида шакллана [illegible] ган ҳамда коллективлаштириш даврида янгидан турт[illegible] ган маъмурий-буйруқбозлик системаси мамлакатнинг [illegible] ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсир этди. У экономикада [illegible] топиб олгач, устқурмага ҳам ёйилди, социализмнинг [illegible] ратик потенциали авж олишини чеклаб қўйди, социа[illegible] демократия тараққиётини секинлаштирди.

Аммо бу айтилган сўзлар ўша даврнинг бутун мура[illegible] лигини ёритиб бера олмайди. Бу соҳада нималар рўй [illegible] Партия учун жуда жиддий бўлган ғоявий-сиёсий си[illegible] даври ортда қолди. Миллионлаб кишилар социалисти[illegible] гартишларни амалга ошириш ишига ғайрат-шижоат [illegible] киришдилар. Дастлабки муваффақиятлар қўлга кири[illegible] бошлади. Худди шу вақтда эксплуататор синфларнинг [illegible] манлик билан қаршилик кўрсатишига қарши кураш ол[illegible] рилган давр тақозо этган методлар тинч социалистик [illegible] лиш даврига, шароит тубдан ўзгарган даврга шундо[illegible] кўчириб олинди. Мамлакатда муросасизлик, душма[illegible] шубҳаланиш муҳити вужудга келди. Кейинчалик бу [illegible] сиёсий практика кенгайди ва социализм қуриш жара[illegible] синфий кураш кескинлашиши ҳақидаги нотўғри «наз[illegible] билан асосланди.

Буларнинг барчаси мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий [illegible] раққиётига ҳалокатли таъсир кўрсатди, оғир оқибат[illegible] олиб келди. Мутлақо равшанки, совет жамияти зарур [illegible] жада демократиялаштирилмаганлиги шахсга сиғи[illegible] ҳам, 30-йилларда қонунларни бузиш, зўравонлик ва ре[illegible] сияларни мумкин қилиб қўйди. Очиғини айтганда [illegible] ҳокимиятни суиистеъмол қилиш заминида чинакам жи[illegible] лар содир бўлди. Неча минглаб партия аъзолари ва [illegible] тиясизлар оммавий суратда репрессия қилинди. Ана [illegible] қиқат ана шундай, ўртоқлар. Социализм ишига ва па[illegible] нинг обрў-эътиборига жиддий зарар етказилди. Биз бу [illegible] да рўй-рост гапиришимиз керак. Буни социализмнинг [illegible] ча идеалини узил-кесил ва қатъиян қарор топтириш [illegible] айтиш керак.

(Давоми 3-бетда).

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Давоми. Боши. 1-, 2-бетларда).

Ҳозир мамлакатимиз тарихида Сталиннинг роли тўғрисида кўп мунозара бўлмоқда. Унинг шахси ғоят зиддиятли. Тарихий ҳақиқат позицияларида турган ҳолда биз Сталиннинг социализм учун, унинг ғалабаларини ҳимоя қилиш учун курашга, шубҳасиз, ҳисса қўшганлигини ҳам, шунингдек у ва унинг теварагидаги кишилар қўпол сиёсий хатоларга, ўзбошимчаликка йўл қўйганлигини ҳам кўрмоғимиз керак. Бу хатолар ва ўзбошимчаликлар учун халқимиз жуда катта қурбонлар берди ҳамда бу хато ва ўзбошимчаликлар жамиятимиз ҳаёти учун оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Баъзан Сталин қонунсизлик фактларини билмаган эди, дейишади. Бизнинг ихтиёримиздаги ҳужжатлар шундай эмаслигини кўрсатиб турибди. Сталин ва унинг яқин атрофидаги кишиларнинг йўл қўйилган оммавий репрессиялар ҳамда қонунсизликлар учун партия ва халқ олдидаги айби жуда катта ва уни кечириб бўлмайди. Бу ҳамма авлодлар учун сабоқдир.

Ғоявий душманларимиз даъво қилаётганига қарама-қарши ўлароқ шахсга сиғиниш муқаррар нарса эмас эди, албатта. У социализм табиатига ёт бўлиб, унинг асосий принципларидан чекинишдир ва шу тариқа уни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Партия XX ва XXII съездларида Сталин шахсига сиғинишни ҳам, унинг оқибатларини ҳам қаттиқ қоралади. Биз бир қатор партия ва давлат арбобларига қарши, кўпгина коммунистлар ва партиясизларга, хўжалик ва ҳарбий кадрларга, олимлар ва маданият арбобларига қарши сиёсий айблашлар ва репрессиялар атайлаб сохталаштириш натижаси бўлганлигини ҳозир биламиз.

Кўпгина айблашлар кейинчалик, айниқса, партия XX съездидан кейин бекор қилинди, минглаб гуноҳсиз жафо чекканлар батамом оқланди.

Лекин адолатни тиклаш жараёни охирига етказилмади ва аслида 60-йиллар ўрталарида тўхтатиб қўйилди. Ҳозир Марказий Комитетнинг 1987 йил октябрь Пленуми қарорларига мувофиқ бу масалага яна қайтишга тўғри келмоқда. Марказий Комитет Сиёсий бюроси шу масалаларга тааллуқли янги ва илгари маълум бўлган фактлар ҳамда ҳужжатларни ҳар томонлама кўриб чиқиш учун комиссия тузди. Комиссия ишининг якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади.

Ана шуларнинг ҳаммаси КПСС тарихи очеркида ҳам ўз ифодасини топади. Уни тайёрлаш Марказий Комитетнинг махсус комиссиясига топширилади. Биз буни қилишимиз керак. Айниқса шунинг учунки, ҳанузгача ҳам тарихимизнинг нозик масалаларидан юз ўгиришга, улар ҳақида чуқур этмасликка, гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек тасаввур туғдиришга уринганликлари — бошқа масала. Социализмга бўлган нафрат, узоқни кўзловчи реваншлар, ўта синфий ҳудбинлик реал хавфга ҳушёрлик билан баҳо беришга тўсқинлик қилди. Бунинг устига фашизмга антикоммунистик салб юришида зарбдор отряд бўлиш вазифаси қатъият билан таклиф этилди. Эфиопия ва Хитойдан кейин Австрия, Чехословакия «тинчитиш» ўтхонасига улоқтирилди, Польша устида, Болтиқ денгизи ва Дунай ҳавзасидаги барча давлатлар устида уруш хавфи пайдо бўлди. Украинани «учинчи рейх»нинг бугдойзори ва оғилхонасига айлантириш ҳақида очиқ пропаганда олиб борилди. Пировард натижада агрессиянинг асосий оқимлари Совет Иттифоқига қарши бўриб юборилди, бизнинг мамлакатимизни урушдан анча аввал бўлиб олишга киришганликлари сабабли олдимизда турган йўл қанчалик чекланган эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Совет Иттифоқи Германия билан ҳужум қилмаслик ҳақида битим тузишга қарор қилганлиги энг яхши йўл эмас эди, дейишади. Мабодо қаттиқ реалликка эмас, балки ўша давр дағи умумий вазиятдан ажратиб олинган мавҳум мулоҳазаларга асосланадиган бўлса, эҳтимол шундайдир. Ана ўша шароитда ҳам масала тахминан Брест сулҳи вақтида турган тахлитда мамлакатимиз мустақил бўладими ёки йўқми, ер юзида социализм бўладими ёки йўқми деган тахлитда турар эди.


СССР коллектив хавфсизлик системасини барпо этиш ва бутун жаҳон қирғинининг олдини олиш учун кўп иш қилди. Аммо Ғарб сиёсатчилари ва сиёсатдонлари Совет ташаббусларини маъқул топишмади, улар совуққонлик билан социализмни уруш алангасига устомонлик билан тортиш, уни тўғридан-тўғри фашизм билан тўқнаштириб қўйиш ниятида бўлдилар.

Социалистик бўлиб туғилганлигимиз учун биз инкор этилиб, ҳеч қандай шароитда ҳам империализм учун ҳақ бўла олмас эдик. Мен юқорида айтиб ўтганимдек, Ғарбнинг ҳукмрон доиралари ўз гуноҳларини ювишга уриниб, 1939 йил 23 августдаги ҳужум қилмаслик ҳақида тузилган Совет-Германия пакти нацистларнинг Польшага ҳужум қилишини ва бу билан иккинчи жаҳон урушини бошлаб берди, деб кишиларни ишонтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Гўё АҚШнинг фаол кўмаги билан 1938 йилдаёқ Англия ва Франция кўл қўйган Гитлер билан Мюнхен битими ҳам, Австрияниинг қўшиб олиниши ҳам, Испания республикасининг мажақ қилиниши ҳам, нацистлар томонидан Чехословакия ва Клайпеданинг оккупация этилиши ҳам бўлмаганидек, 1938 йилда Лондон ва Парижнинг Германия билан ҳужум қилмаслик ҳақида пактлар тузмаганидек. Дарвоқе шу хилдаги пактни урушдан олдин Польша ҳам тузган эди. Ана шуларнинг ҳаммаси, кўриб турганингиздек, империалистик сиёсат структурасига тўла мос келади, одатдаги бир нарса ҳисобланиб келинди ва ҳисобланмоқда.

Ҳужжатлардан маълумки, Германиянинг Польшага ҳужум қилиш вақти («кечи билан 1 сентябргача») 1939 йил 3 апрелидаёқ, яъни Совет-Германия пактидан анча аввал белгилаб қўйилган эди. Лондон, Париж, Вашингтонда Польшага қарши юришга тайёргарликнинг тамомий тафсилотларигача бир-Англия-Франция-Совет ҳарбий иттифоқи тузилиши мумкинлиги гитлерчиларни тўхтатиб қолишга қодир бўлган бирдан-бир тўсиқ бўлишини ҳам билишар эди. Бундай режалар ҳаёқида мамлакатимиз раҳбарлари ҳам билишар эди, шунинг учун ҳам раҳбарларимиз коллектив тадбирлар кўриш зарурлигига Англия билан Францияни ишонтиришга ҳаракат қилдилар. Раҳбарларимиз агрессиянинг олдини олиш ниятида ўша вақтдаги Польша ҳукуматини ҳам ҳамкорлик қилишга даъват этдилар.

Аммо Ғарб давлатларининг нияти бошқача: СССРни иттифоқ тузишни ваъда қилишга қизиқтириш ва бу билан бизга таклиф этилган ҳужум қилмаслик ҳақидаги пактни тузишга тўғаноқ солиш, бизни Гитлер Германиясининг СССРга муқаррар ҳужум қилишига яхшироқ тайёргарлик кўриш имкониятидан маҳрум этишдан иборат эди. 1939 йил августида Совет Иттифоқи икки фронтда — Ғарбда Германия билан, Шарқда эса Халхин-Голл дарёси ёқасида хунрезлик низосини бошлаб юборган Япония билан уруш қилиш реал хавфи остида турганлигини ҳам унута олмаймиз.

Бироқ ҳаёт ва ўлим афсоналарни назар-писанд этмай, реал йўлга чиқиб олди. Энг янги тарихда янги боб — ғоят оғир ва мураккаб боб бошланди. Аммо ўша босқичда биз шундай душман билан, ўзи учун ҳам, рақиби учун ҳам биргина йўлни — ё ғалаба қозониш, ё ҳалок бўлиш йўлини қолдирган душман билан тўқнашишни орқага суришга муваффақ бўлдик.



Бизга қарши қилинган агрессия социалистик тузумнинг ҳаётийлигига, кўп миллатли Совет давлатининг мустаҳкамлигига, совет кишилари ватанпарварлик руҳининг қудратига қаттиқ имтиҳон бўлди. Бу имтиҳондан эса биз ўт ва қилич билан ўтдик, ўртоқлар!

Шунинг учун ҳам бардош берилдики, бу уруш бизнинг халқимиз учун Улуғ Ватан урушига айланди, чунки Германия фашизми каби душман билан курашда ҳаёт ёки мамот масаласи, биз эркин бўлиб қоламизми, ёки асоратга тушамизми деган масала кўндаланг бўлиб турди.

Шунинг учун ҳам бардош берилдики, уруш умумхалқ урушига айланди. Ҳамма: кекса-ю ёш эркагу аёл, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар Ватан ҳимоясига отланди. Октябрдан кейин тугилган ва социалистик тузум тарбиялаган авлод ҳам биринчи жангга кирди. Жанг майдонларидаги мислсиз матонат ва қаҳрамонлик, партизанлар ва подпольечилар фронт орқасида олиб борган мардонавор кураш, мамлакат ичкарисидаги деярли кечакундуз ҳормай-толмай қилинган меҳнат — биз учун уруш ана шундай ўтди.

Совет кишилари Ватанни, социалистик тузумни, Октябрь ғоялари ва ишини ҳимоя қилиб курашдилар ва меҳнат қилдилар. Бизнинг умумий хонадонимизга улкан офат келганда совет халқи чўчимади, дастлабки муваффақиятсизликлар ва мағлубиятлар зарбалари остида ҳам, миллионларнинг ўлими, азоб ва уқубатлари машаққати остида ҳам қаддини букмади. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ у бўлғуси ғалабага қаттиқ ишонди. У солдат шинелини ва ишчи коржомасини кийиб, ана шу узоқ кутилган кунни яқинлаштириш ниятида инсоннинг қурби етадиган ва етмайдиган ҳамма ишларни қилди. Урушнинг 1418-кунида ғалаба қозонилганда эса балодан омон қолган бутун дунё эркин нафас олиб, ғолиб совет халқини, қаҳрамон ва меҳнаткаш халқни, минглаб километр масофани жанг билан босиб ўтган унинг шонли армиясини муносиб тарзда олқишладики, бу масофанинг ҳар бир километрида жуда кўплаб қурбонлар берилди, кўп қон ва тер тўкилди.

Халқ орасидан чиққан атоқли саркардалар — Г. К. Жуков, К. К. Рокоссовский, А. М. Василевский, И. С. Коневнинг, донг таратган бошқа маршаллар, генераллар ва офицерларнинг — фронтлар ва армияларга, корпуслар, дивизиялар ва полкларга, роталар ва взводларга қўмондонлик қилган кишиларнинг истеъдоди Улуғ Ватан урушида ғоят яққол намоён бўлди. Уруш йилларида И. В. Сталин кўрсатган улкан сиёсий ирода, аниқ мақсадни кўзлаш ва қатъият, кишиларни ташкил этиш ва интизомга солиш маҳорати ғалабага эришишда ўз ролини ўйнади. Аммо урушнинг асосий оғирлиги бутун вужуди билан халқдан чиқкан, улкан меҳнаткаш, мард, ўз Ватанини севувчи оддий совет солдати елкасига тушди. Унга улуғ шараф ва абадий шон-шуҳратлар бўлсин!

Улуғ Ватан урушининг миллион-миллион ветеранлари ҳозирги кунда ҳам сафда туриб, революцион қайта қуриш. жамиятни янгилаш ишларида жанговарлик билан иштирок этмоқдалар. Биз уларга ўзимизнинг фарзандлик миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Бизнинг ленинчи партиямиз барча жанговар ва меҳнат борасидаги ишларнинг жону тани бўлди. Коммунистлар фронтда, окопларда биринчи бўлиб ҳужумга кўтарилдилар; ибрат бўлиб ўз орқаларидан бошқаларни эргаштирдилар; мамлакат ичкарисида станоклар олдидан, далалар ва фермалардан ҳаммадан кейин қайтдилар. Уруш алангаси авж олган, ҳаёт ёки мамот масаласи ҳал бўлаётган бир пайтда совет кишилари ВКП (б) ўз жонажон партияси эканлигини, коммунистлар эса халқ авангарди бўлиш нима эканлигини ҳамма вақтдагидан кўра кучли ҳис этдилар.

Комил ишонч билан шундай дейиш мумкинки: Улуғ Ватан уруши йиллари — партиянинг ўз ҳаётидаги миллионмиллион коммунистларнинг мардлиги ва жасорати, ғоят улкан жангу жадали ва фидойилиги билан битилган энг шонли ва қаҳрамонона саҳифалардан биридир. Уруш совет халқи, партия, социализм ва Октябрь бир-биридан ажралмаслигини ва ана шу бирликни барбод эта оладиган куч дунёда йўқлигини кўрсатди.

Социализм шунчаки бардош берибгина ва ғалаба қилибгина қолмади. У урушлар ичида энг даҳшатлиси, вайронагарчилик келтирган ана шу урушдан маънавий, сиёсий жиҳатдан мустаҳкам бўлиб чиқди, бутун дунёда ўз обрў-эътибори ва нуфузини янада мустаҳкамлади.

Уруш тамом бўлгач, душманларимиз бизни иқтисодий таназзулга юз тутади, мамлакатимиз узоқ вақтгача жаҳон сиёсатидан четга чиқиб қолади, деб башорат қилдилар, биз уруш қолдирган оқибатларни эллик йил, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт ичида бартараф этолмаймиз, деб ҳисобладилар. Лекин совет халқи қисқа муддат ичида вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта қурди, кулгепаларга айланган заводлар ва фабрикаларни, колхоз ва совхозларни, мактаблар ва олий ўқув юртларини, маданият муассасаларини тиклади.

Социалистик давлатнинг буюк кучи: Октябрь Ватанининг олий манфаатларини тушунган ҳолда ҳаракат қиладиган партиянинг иродаси; мамлакатнинг индустриал қудратини тубдан қайта қуриш ва бутун вайрон этилган нарсаларни тиклашнинг асосий оғирлигини ўз елкасига олган ишчиларнинг матонат ва пролетарча донолиги; вайрон бўлган мамлакатни боқиш учун сўнгги бурда нонини берган деҳқонларнинг фидойилиги, бардоши ва ватанпарварлиги яна ўзини кўрсатди. Халқлар дўстлиги, уларнинг ўзаро ёрдами, айниқса кўп жафо чеккан кишиларга биргаликда қардошларча кўмаклашишга, умумий Ватанимизнинг уруш айниқса бешафқат вайрон қилиб кетган районларининг қаддини ростлаб олишига шайлиги ўзини кўрсатди.

Урушдан кейинги оғир йилларнинг меҳнат билан ўтган кунларида кўрсатилган қаҳрамонлик бизнинг муваффақиятларимизнинг, иқтисодий тараққиёт ва фан-техника тараққиётининг, атом энергиясини ўзлаштиришнинг, космик кемалар дастлабки парвозларининг, халқ моддий ва маданий фаровонлиги ўсишининг манбаи бўлди.

Лекин айни вақтда — социализм йўлида халқ янги жасорат кўрсатиб турганда — жамиятимиз эришган даража билан раҳбарликнинг илгариги методлари ўртасидаги зиддият тобора кўпроқ сезила бошлади. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ,социалистик қонунчиликни бузиш давом этди. «Ленинград иши», «Врачлар иши» тўқиб чиқарилди. Қисқача қилиб айтганда, халққа нисбатан чинакам ҳурмат етишмади. Кишилар фидокорлик билан ишладилар, ўқидилар, янги билимларга интилдилар, қийинчиликлар ва етишмовчиликларга чидадилар, аммо жамиятда ташвиш ҳам, умид-орзу ҳам орта борганлигини ҳис этиб турдилар. Ана шуларнинг ҳаммаси Сталиннинг ўлимидан кўп вақт ўтмай ижтимоий онгни ўзига қаратган эди.

50-йилларнинг ўрталарида, айниқса КПСС XX съездидан кейин мамлакат узра ўзгаришлар шабадаси эсди, халқ руҳланди, жонланди, дадилроқ ва собитқадамроқ бўлиб қолди. Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини танқид қилиш, социалистик қонунчиликни тиклаш партиядан ва унинг Н. С. Хрушчев бошлиқ раҳбарларидан катта мардлик талаб қилди.

Ички ва ташқи сиёсатда эски андозалар қулай бошлади. Бошқаришнинг 30—40-йилларда қарор топган буйруқбозлик-бюрократик методларини йўқотишга, социализмга кўпроқ жўшқинлик бағишлашга, инсонпарварлик идеаллари ва кадриятларини таъкидлашга, назария ва практикада ленинизмнинг ижодий руҳини тиклашга ҳаракат қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь ва 1955 йил июль Пленумларининг қарорлари иқтисодий тараққиётнинг устунлик жиҳатлари хусусидаги қарашларни ўзгартиришга, меҳнат натижаларидан шахсий манфаатдорлик билан боғлиқ омилларни ишга солишга интилиш руҳи билан суғорилган эди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, енгил саноатга, истеъмол соҳасига, инсон эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсага кўпроқ эътибор берила бошлади.

Хуллас, совет жамиятида ҳам, халқаро муносабатларда ҳам яхшилик томон ўзгаришлар содир бўлди. Бироқ социализмнинг янги босқичга чиқиб олишини оғирлаштирган, кўп жиҳатдан эса прогрессив ташаббусларни обрўсизлантирган анча-мунча субъектив хатолар қилинди. Ғап шундаки, ички ва ташқи сиёсатнинг, партия қурилишининг сифат жиҳатидан янги вазифалари кўпинча волюнтаристик методлар асосида, эскирган сиёсий ва иқтисодий механизм ёрдамида ҳал қилинди. Аммо ўша даврда қилинган ислоҳотларнинг муваффақиятсиз чиқишига асосий сабаблар уларнинг демократиялаш жараёнларини кенг кўламда авж олдиришга тайнмаганлигида эди.

КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь Пленумида партия ва мамлакат раҳбарлари алмашди, ички ва ташқи сиёсатдаги волюнтаристик тенденциялар ва оғишларни бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Партия сиёсатда муайян барқарорликка эришишга, бу сиёсатга реалистик белгилар ва асос бахш этишга интилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март ва сентябрь Пленумлари экономикага раҳбарлик қилишга янгича ёндашишларни илгари сурди. Хўжалик ислоҳоти, янги районларни ўзлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш юзасидан катта программалар ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошлади. Бу ҳол дастлабки йилларда мамлакатдаги вазиятни яхши томонга ўзгартирди. Иқтисодий ва илмий потенциал ўсди, мудофаа қуввати мустаҳкамланди, кишилар фаровонлиги даражаси юксалиб борди. Кўпгина ташқи сиёсий ишлар амалга оширилди, улар давлатимизнинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлади. АҚШ билан ҳарбий-стратегик мувозанат таъминланди.

Мамлакат ўз ривожини тағин ҳам жадаллаштириш учун катта-катта имкониятларга эга эди. Лекин ана шу имкониятлардан фойдаланиш, уларни ишга солиш учун жамиятда янги туб ўзгаришлар қилиш ва, албатта, тегишли сиёсий ирода керак эди. Униси ҳам, буниси ҳам етишмади. Ҳатто кўпгина қарорлар қоғозда қолиб кетди, амалга ошмади. Тараққиётимиз суръатлари жиддий равишда сустлашиб қолди.

Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленумида, XXVII съездда партия юзага келган вазиятнинг сабабларини очиқ-ошкора айтди, ривожланишимизга тўсқинлик қилаётган механизмни очиб ташлади ва унга принципиал баҳо берди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Л. И. Брежнев ҳаёти ва фаолиятининг сўнгги йилларида олға томон янада илгарилаб бориш йўлларини излашга кўп жиҳатдан одат бўлиб қолган, янгича воқеликни акс эттирмайдиган формулалар ва схемаларга берилганлик тўғаноқ бўлиб қолди. Сўз билан иш ўртасидаги узилиш кучайди. Экономикада салбий жараёнлар орта бориб, аслини олганда кризисолди вазиятни вужудга келтирди. Социал ва маънавий-ахлоқий соҳада талайгина ғайриоддий ҳолатлар юзага келиб, улар социалистик адолат принципларини сохталаштирди, бузди, халқда унга бўлган ишончга путур етказди, социал бегоналашувни ва турли формалардаги ахлоқсизликни вужудга келтирди. Социализмнинг юксак принциплари билан кундалик реал ҳаёт ўртасидаги тобора ортиб бораётган тафовут чидаб бўлмайдиган даражага етди.

Партиядаги ва бутун жамиятдаги соғлом кучлар салбий ҳолатларни бартараф этиш, воқеаларнинг боришини ўзгартириш, мамлакат социал-иқтисодий ривожини жадаллаштиришни таъминлаш, социализмнинг маънавий тозаланиши ва янгиланишига эришиш қатъий эҳтиёж ва зарурат бўлиб қолганлигини тобора ўткирроқ ҳис этдилар.

Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленуми илгари сурган мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш концепцияси ва стратегияси, социализмни янгилашга қаратилган йўл ана шу ўткир ижтимоий эҳтиёжга жавоб бўлдики, улар XXVII съездининг, Марказий Комитетнинг съезддан кейинги Пленумларининг қарорларида назарий ва сиёсий жиҳатдан ривожлантирилди ҳамда социалистик жамият ҳаёти барча жиҳатларини революцион тарзда қайта қуришнинг бош йўли бўлиб қолди.

Қайта қуриш ғояси бизнинг 70 йиллик тарихимизга, совет мамлакатида барпо этилган принципиал янги социал бинонинг мустаҳкам пойдеворига таянади, большевизмнинг давомийлиги ва новаторлигини, тарихий тажрибасини социализмнинг ҳозирги даври билан боғлайди. Биз революция ва социализм кашшофлари ишини давом эттиришимиз ва кўпайтириб боришимиз лозим. Бинобарин, биз бизгача ва биз учун Октябрь йўлини очган авлодларнинг тажрибасидан ижодий фойдаланиб, ўз меҳнатимиз билан бунга, албатта, эришамиз!

Ўртоқлар! Биз революцион йўлдан бормоқдамиз, бу йўл эса зинфлар ва журъатсизлар йўли эмас: бу йўл—кучлилар ва довюраклар йўлидир. Совет халқи буюк социал ўзгартишлар амалга оширилган йилларда ҳам, уруш синовлари йилларида ҳам, тинч бунёдкорлик меҳнати йилларида ҳам—ҳамиша шундай бўлган. Айнан халқ ўз тарихини, ҳамиша мураккаб, инсон ҳаётининг ўзи каби бетакрор ва бебаҳо ўз тақдирини яратади. Ғап социализм тарихи тўғрисида, улуғ революция ишини давом эттириш ҳақида бораётганида бу нарса юз карра тўғридир.

Ишчилар синфи халқнинг жипслаштирувчи ва авангард кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Революцион ҳаракат энди нима бошланаётган пайтдаёқ у Лениннинг «Ишчилар озодлик учун курашганларида социализм тўғрисидаги фикрни ва уни амалга оширишга бобидаги ишни, социализмга эришмоқ учун кучларни тайёрлаш ва уюштиришни **бир минут** ҳам бир чеккага йиғиштириб қўймасдан курашмоқлари лозим» деган даъватига амал қилди. Айни ишчилар синфи барча меҳнаткашлар билан иттифоқ бўлиб, Улуғ Октябрь революциясини амалга оширди, социализм қурди, душман билан жуда оғир олишувларда уни қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Ҳамма ишни қилди, ҳаммасини бошидан кечирди ва ҳаммасига бардош берди! Ҳозир ҳам у ривожланаётган социализмнинг, революцион қайта қуришнинг олдинги сафида турибди. Унга шон-шарафлар бўлсин!

Бизнинг ленинчи партиямиз ишчилар синфининг жанговар, актив отряди сифатида вужудга келди ва ривожланди. У ишчилар синфидан қудратли ишонч, қатъият, интизомлик кучини, социализм идеаллари учун курашда матонат кучини, турмушнинг оқилона ва инсонпарварларча тушунчасини ўзига сингдириб олди. Эндиликда у бутун халқнинг партияси бўлиб қолганида ҳам жанговар ва бунёдкор синфнинг мана шу энг яхши хислатларини ўзида мужассамлаштириб турибди. Ҳозир ва социализм тарихининг барча босқичларида ҳам шундай!

Тарихимизнинг белгилаб берувчи асосий мазмуни шундан иборатки, бутун етмиш йил мобайнида халқимиз социализм манфаатлари йўлида, яхшироқ ва адолатли турмуш йўлида партия раҳбарлигида яшаб, меҳнат қилиб келмоқда. Бу — ижодкор халқнинг, бунёдкор халқнинг тақдиридир!

II. РИВОЖЛАНАЁТГАН СОЦИАЛИЗМ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

Ўртоқлар! Ғоят ўткир ва кечиктириб бўлмайдиган талаб-эҳтиёжлар бизни қайта қуриш зарурлиги тўғрисидаги хулосага олиб келди. Бироқ биз ўз проблемаларимизни қанчалик чуқурроқ билиб, уларнинг моҳиятини англаб ета борганимиз сари қайта қуриш яна ҳам кенгроқ, ижтимоий-сиёсий ва тарихий заминга эга эканлиги шу қадар равшанроқ бўлиб қолди.

Қайта қуриш — ўтган давр турғунлиги ва консерватизмидан халос бўлиш, йўл қўйилган хатоларни тузатишгина эмас, шу билан бирга ижтимоий ташкилот ва иш методларининг тарихан чекланган, умрини яшаб бўлган хусусиятларини бартараф этиш ҳам демакдир. Қайта қуриш — социализмга фан-техника революциясининг шарт-шароитлари ва талаб-эҳтиёжларига, совет жамиятининг интеллектуал тараққиётига мос келадиган энг замонавий шаклларни бахш этиш демакдир. Қайта қуриш — жамиятни революцион тарзда янгилашнинг ўз мантиқи ва босқичларига эга бўлган, нисбатан узоқ давом этадиган жараёндир.

Ленин коммунизмга ўтишни узоқ йиллар мобайнида иш олиб бориш билан тайёрлашни социализмнинг тарихий вазифаси, деб билган эди. Революция йўлбошчиси Маркс ва Энгельснинг «Ҳар бир айрим воқеанинг конкрет тарихий хусусиятларига қараб, айни шу ўткинчи форманинг **нимадан нимага** ўтишдан иборат эканлигини ҳисобга олмоқ учун, ўша ўтиш формаларини жуда ҳам синчиклаб анализ қилиш...» маҳоратини юксак қадрлаган эди. Ҳуллас, бизнинг устозларимиз янги жамият барпо этиш йўли — узоққа чўзиладиган бир қанча ўтиш даврларидан иборат бўлади, деб кўп марта огоҳлантирган эдилар.

Биз қайта қуриш жамиятимизнинг шитоб билан тараққий этиб бориши йўлидаги муайян тарихий босқич деб қараш учун барча асосларга эгамиз. Ленинниинг биз «нимадан нимага» ўтаяпмиз, деган саволига жавоб қайтарар эканмиз, шуни мутлақо аниқ қилиб айтиш керакки, биз социализмга янги сифат бахш этишимиз, таъбир жоиз бўлса, унга янгидан куч бағишлашимиз зарур, бунинг учун эса жамият турмушининг барча томонларини — ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан чуқур янгилаш, тузумимизнинг инсонпарварлик характерини жуда тўлиқ намоён этишимиз зарур.

Қайта қуришдан кузатилган мақсад социализмнинг ленинча концепциясини назарий ва амалий жиҳатдан тўлароқ қайта тиклашдан иборатдир. Бу концепцияда ўз идеалларига, манфаатларига эга бўлган меҳнат аҳли, экономикада, социал ва сиёсий муносабатларда, маданиятда инсонпарварлик қадриятлари қатъий равишда устун туради.

Революцион покланиш ва тикланишга бўлган умидимиз шахсни, инсон омилини активлаштириш йўли билан социализмнинг ғоят катта социал ресурсларини юзага чиқаришдан иборатдир. Қайта қуриш натижасида социализм инсонга хизмат қилувчи ва уни улуғловчи реал инсонпарварлик тузуми сифатида ўз имкониятларини тўла-тўкис амалга ошира олиши мумкин ва лозим. Бу жамият одамлар учун — уларнинг ижодий меҳнатини равнақ топтириш, фаровонлиги, соғ-саломатлиги, жисмоний ва маънавий камол топиши учун мўлжалланган жамият, инсон ўзини тўла ҳуқуқли хўжайин деб ҳис этаётган ва амалда худди шундай бўлган жамиятдир.

Қайта қуриш тақдирини жамият тараққиётининг икки энг муҳим проблемаси белгилаб беради. Бутун ижтимоий турмушни демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳот ана шундай проблемалардир.

Қайта қуриш Октябрь ишини давом эттириб, социалистик демократияни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришдан иборат энг биринчи вазифани олға сурди.

Жамиятни демократиялаш — қайта қуришнинг қалби бўлиб, қайта қуришнинг муваффақияти ҳам, муболағасиз айтиш мумкинки, умуман социализмнинг келажаги ҳам унинг қандай бошқарига боғлиқ бўлади. Бу—сиёсат ва экономикадаги ўзгартиришларининг, орқага ҳар қандай қайтишни истисно қилишнинг энг муҳим гаровидир.

Ҳозир мамлакатда содир бўлаётган ўзгартишлар социалистик демократизмни ривожлантириш йўлида Октябрдан кейинги энг катта қадам деса бўлади.

Биз иқтисодий ва сиёсий системамизни қайта қура бориб, биринчидан, давлат ва жамоат ишларини ҳал этишга барча меҳнаткашларни реал жалб этишнинг ишончли ва пухта механизмини вужудга келтиришимиз шарт. Иккинчидан, одамларни чуқурлашиб бораётган демократия шароитида яшашга амалда ўргатиш, инсон ҳуқуқларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, омманинг замонавий сиёсий маданиятини тарбиялаш, бошқача сўзлар билан айтганда, демократияга ўргатишимиз ва ўрганишимиз шарт.

Биз революциямизнинг 70 йиллигини нишонлай туриб, келажак тўғрисида ўйлар эканмиз, жамиятни демократиялаш жараёни қандай бораётганлигига, бу жараёнга нималар ҳалақит бераётганлигига синчиклаб назар ташлашимиз керак. Бунда талайгина ва баъзида кутилмаган қийинчиликлар ҳамда эски, умрини яшаб бўлган нарсалар ўртасида кураш ҳам бўлиб турибди. Муайян даражада журъатсизлик ва қатъиятсизлик мавжуд.

Октябрдан кейин дастлабки кунларда Ленин ишчи ва деҳқонлар ҳали «тортиниб» турибдилар, ҳали етарли даражада қатъий эмаслар, бутун бошқариш воситаларини айнан ўзлари қўлга олишлари кераклигини ҳали ўрганиб олганларича йўқ, деб ёзган эди. «Аммо 1917 йил Октябрь революциясининг кучи ҳам, унинг ҳаётийлиги ҳам, енгилмаслиги ҳам шундаки, у бу ҳислатларни **уйғотмоқда**, барча эски ғовларни синдирмоқда, эски қишанларни узиб ташламоқда, меҳнаткашларни мустақил янги ҳаёт яратиш йўлига олиб чиқмоқда».

Ҳозир ҳам биз одамлар янги вазиятга, демократик методлар асосида яшаш ва барча масалаларни шу метод асосида ҳал этиш имконияти ҳамда заруратига қийинчилик билан ўрганиб бораётганликларини кўриб турибмиз. Кўпчилик ҳозирча «тортиниб», ҳадиксираб иш тутмоқда, масъулиятдан чўчимоқда, ҳали ҳам эскириб қолган қоидалар ва йўл-йўриқлар асоратида қолмоқда. Вазифа одамларда ҳар қандай миқёсдаги ишлаб чиқариш ва жамоат ишларига ёндашишда мустақиллик ҳамда масъулият туйғусини сингдиришдан, халқнинг ўзи ва халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган халқ ҳокимияти сифатида ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришдан иборатдир.

Ўз-ўзини бошқариш, аввало, Советлар орқали ривожлантирилади, Советлар эса партиянинг режаларига кўра тўла ҳуқуқли ва ҳал қилувчи органлар сифатидаги ўз ролини тўла-тўкис оқлашлари лозим. Кейинги вақтларда барча даражалардаги Советларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари анча кенгайтирилди. Бу жараён бундан буён ҳам давом этаверади. Бинобарин, Советларнинг кучига куч қўшилади, совет демократияси тобора чуқурлашади.

Биз сайлов системасини такомиллаштира бошладик. Шу йилнинг июнь ойида ўтказилган сайлов бизни янгича ёндашувларнинг тўғрилиги ва самарадорлигига ишонтирди. Гарчи бу гал ҳам расмиятчилик ва ортиқча ташкилий ишларга берилиб кетиш ҳоллари юз берган бўлса ҳам, бу сайловлар халқнинг сиёсий активлиги ошганлигини, одамлар Советларга меҳнаткашларнинг ҳақиқатан ҳам энг яхши вакиллари сайланишидан манфаатдор эканликларини кўрсатди.

Қайта қуриш, демократияни ривожлантириш касаба союзларининг, комсомолнинг, бошқа жамоат ташкилотларининг, шу жумладан, уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши, хотин-қизлар кенгашлари, совет маданияти фонди, В. И. Ленин номидаги болалар фонди каби кейинги йилларда юзага келган ташкилотларнинг куч-ғайрати, имкониятлари ва ҳуқуқларини тўла қувват билан ишга солиш имконини беради. Шу ташкилотларнинг кундалик фаолияти ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлиши, кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ифода этиши муҳимдир.

(Давоми 4-бетда).

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда).

Меҳнат коллективларида, истиқомат жойларидаги ишларда кўпгина янги, умидбахш жиҳатлар пайдо бўлди. Барча энг муҳим масалалар оператив равишда сансалорликсиз ҳал этилиши учун фойдали ташаббусга кенг имконият очилмоқда.

Мамлакатда авж олиб кетган янги жараёнлар умумий, сиёсий ва ҳуқуқий маданият, айтишим мумкинки, социалистик демократизм маданияти масалаларини ҳам янгича тарзда қўймоқда. Бюрократизм ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, итоатгўйлик, хўжасизлик ва масъулиятсизлик каби иллатлар кўп жиҳатдан айнан мана шундай маданиятнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Чинакам социалистик демократизм маданияти буйруқбозлик қилиш, «тазйиқ ўтказиш» услубини ҳам, ташкилий дудмалликни, иш ўрнига қуруқ сафсатабозликни ҳам қабул қилмайди. Униси ҳам, буниси ҳам социализмга ётдир. Бошқа бир нарсага ҳам шак-шубҳа йўқ— демократия қанчалик кенг ва чуқур бўлса, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот ўзига шунчалик кўпроқ эътиборни талаб қилади, уюшқоқлик ва онгли интизом бизга шунчалик кўп зарур бўлади.

Демократия маданияти сиёсат соҳаси билан чекланиб қолаолмайди. Бу маданият инсоний муносабатларнинг барча соҳаларига сингиб кетиши керак. Биз социализм—одамларнинг фикр-ўйлари, ўзаро муносабатлари, фаолиятида хилма-хиллик тобора кўпайиб бораётган жамият эканлигига асосланамиз. Ҳар бир кишининг ўз социал тажрибаси бўлиб, ўз билим, маълумот савиясига, содир бўлаётган ҳодисаларни идрок этишда ўз хусусиятларига эгадир. Фикрлар, эътиқодлар, баҳоларнинг ғоят хилма-хиллиги мана шундан келиб чиқадики, улар диққат-эътибор билан ҳисобга олишни қиёслашни тақозо этиши табиий. Биз ижтимоий фикрларнинг хилма-хиллиги, маънавий ҳаётнинг бой бўлиши тарафдоримиз. Биз ижтимоий ривожланишнинг қийин муаммоларини очиқ-ойдин ўртага қўйиб, ҳал этишдан, танқид қилиш ва баҳслашишдан қўрқмаслигимиз керак. Айни мана шундай шароитда ҳақиқат юзага келади, тўғри қарорлар ишлаб чиқилади. Социалистик демократия социализмга, меҳнат аҳлининг манфаатларига батамом хизмат қилиши керак.

Ўртоқлар! Экономикадаги туб ўзгартишлар негизидагина барча йўналишларда жадал олға ҳаракат қилиш учун мустаҳкам асос яратилиши мумкин. Қолаверса, қайта қуришнинг ўзи ҳам халқ хўжалигини чуқур ҳаракатга келтирган тақдирдагина тўла кучга эришади. Бу эса ўз навбатида хўжалик механизмини, экономикани бошқариш бутун системасини тубдан ўзгартиришга бориб тақалади.

Мамлакатда бошланган туб иқтисодий ислоҳотдан кузатилган мақсад яқин икки-уч йил ичида ҳаддан ташқари марказлаштирилган, буйруққа асосланган бошқариш системасидан асосан иқтисодий методларга, централизм билан ўз-ўзини бошқаришни мақбул тарзда қўшиб олиб боришга асосланган демократик бошқариш системасига ўтишни таъминлашдан иборат. Бундай система бирлашмалар ва корхоналарнинг мустақиллиги кескин равишда кенгайтирилишини, уларнинг тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилишини, меҳнат коллективларига бунинг учун барча зарур ҳуқуқлар бериб қўйилишини тақозо этади.

Иқтисодий ислоҳот—эндиликда планлар ва ниятларгина эмас ва айниқса, мавҳум назарий фикр-мулоҳазалар эмас. У турмушга тобора мустаҳкам ва чуқур сингиб бормоқда. Ҳозир саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалигидаги анчагина бирлашмалар ва корхоналар ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳамда ўз харажатини ўзи қоплаш асосида ишламоқда. Келгуси йил бошларидан саноат маҳсулотининг 60 процентини тайёрлаб бераётган корхоналар ана шундай шароитда ишлайдиган бўлади. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун кучга киради.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирдаёқ хўжалик юритиш практикасида сезилмоқда. Коллективларда ишнинг молиявий-иқтисодий натижаларига қизиқиш анча кучайиб бормоқда. Харажатлар ва натижаларни чинакамига ҳисоблаб, катта ва кичик нарсаларни тежайдиган, муаммоларнинг энг самарали ечимини топадиган бўлишмоқда. Бугун биз партия иқтисодий ислоҳотнинг қабул қилинган принципларидан ҳеч қандай чекинишларга йўл қўймайди, деб яна бир бор қатъий қилиб айтишимиз керак. Белгиланган ўзгартишларнинг ҳаммаси амалга оширилиши лозим ва тўлиқ амалга оширилади.

Иқтисодий ислоҳот ва умуман қайта қуриш инсонни актив равишда биринчи ўринга чиқариб қўймоқда. Социал адолат шахснинг индивидуал қобилиятларини намоён этишига кўпроқ эътибор беришимизни, бошқаларга ўрнак кўрсатиб, яхшироқ ва кўпроқ ишлаётган кишиларни маънавий ва моддий жиҳатдан тақдирлашимизни тақозо этади.

Чин истеъдод соҳиблари, ўрнак кўрсатаётган шахслар жамиятнинг бебаҳо бойлиги бўлиб, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ижод ва турмуш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш керак. Биз ҳар бир кишининг қадр-қиммати, билими, меҳнати ва қобилияти ҳамма жойда ҳурмат қилинишини истаймиз. Ҳалол, ишчан, ижодкор инсон ўз меҳнати тегишли тарзда баҳоланишига, у ўзининг ҳақ эканлигини ҳамиша исботлай олиши ва қўллаб-қувватланишига, ишёқмас, юлғич, бюрократ ва сурбет одамнинг жилови тортиб қўйилишига, уларнинг ҳақиқий башараси очиб ташланишига ишончи комил бўлиши керак. Бу борада бизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни (бу ўзгаришлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда) меҳнаткашлар қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Ишга виждонан муносабатда бўлмасликка ҳозир, айниқса, тоқат қилиб бўлмайди. Замонавий билим ва техникага эга бўлган инсон тобора кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради, унинг меҳнати эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа минглаб қатнашчилари фаолиятига тобора чамбарчас боғлиқ бўлади. Шундай шароитда ҳатто биргина ишчи, инженер, олимнинг пала-партишлиги ниҳоятда жиддий оқибатларга айланиб кетиши, жамият учун жуда катта йўқотишлар келтириб чиқариши мумкин.

Интеллектуал меҳнатнинг, илм-фан техника ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг илм-фан ҳамда фан-техника тараққиёти инсонпарварлик маънавий-аҳлоқий йўналишининг аҳамияти ортиб бораётганлигини алохида таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз фан ва техниканинг барча ютуқлари инсонга хизмат қилдирилиши, экология муҳитини бузишга олиб бормаслиги тарафдоримиз. Биз Чернобиль АЭСидаги авария каби фожиали воқеадан аччиқ сабоқ чиқариб оляпмиз. Биз илм-фандан ҳарбий мақсадлар йўлида фойдаланилишига барҳам бериш тарафдоримиз. Социал масъулиятни ва профессионал билимдонликни, ижодий самарадорликни ошириш-ҳозир инженерлар ва олимларнинг, врачлар ва ўқитувчиларнинг, адабиёт ва санъат арбобларининг бурчидир.

Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ҳуқуқини тиклаб, шу билан бирга унинг коллектив формаларига эътиборни кучайтира бориб, биз социал маданий ва маънавий-психологик омилларга етарли баҳо берилмаслигига йўл қўймаслигимиз керак. Бу омиллар коллективчилик, ўртоқлик муносабатларини, социалистик турмуш тарзини нормал ривожлантириш учун, одамларнинг онги ва хулқ-атворида бизнинг совет қадриятларимизни қарор топтириш учун ниҳоятда муҳимдир.

Ўртоқлар! Биз ҳақли равишда мамлакатимизда миллий масала ҳал қилинган деб айтамиз. Революция миллатларнинг юридик жиҳатидангина эмас, шу билан бирга социал-иқтисодий жиҳатдан ҳам тенг ҳуқуқли бўлишлари йўлини очиб, ҳамма республикалар ва регионларнинг, барча халқларнинг иқтисодий, социал ҳамда маданий ривожланишини тенглаштириш учун жуда кўп иш қилди. Совет халқларининг дўстлиги Октябрнинг ғоят буюк ютуқларидан биридир. Шундай дўстликнинг ўзиёқ жаҳон тарихидаги ноёб ҳодисадир. Биз учун эса бу дўстлик Совет давлати қудрати ва мустаҳкамлигининг асосий таянчларидан биридир.

Мамлакатимиз халқлари бугунги кунда ленинча миллий сиёсатнинг буюк ютуқларини таъкидлар эканлар, улуғ рус халқининг беғаразлиги, чинакам интернационализми, ҳур ва тенг ҳуқуқли республикаларнинг социалистик иттифоқини яратишга, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга, Советлар мамлакатидаги барча халкларнинг иқтисодий, социал ва маданий тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси учун унга чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

Буюк муштарак бойлигимиз — СССР халқлари дўстлигини авайлаб-асрайлик, ўртоқлар. Шунинг учун биз ҳар қандай социал-иқтисодий, маданий, ҳуқуқий соҳадаги қарорлар ҳамиша тўғридан-тўғри ва бевосита миллий масалага ҳам дахлдор бўладиган кўп миллатли давлатда яшаётганлигимизни ҳеч қачон унутмаймиз. Ленинчасига ҳаракат қиламиз: ҳар бир миллатнинг, совет халқларидан ҳар бирининг потенциалини максимал равишда ривожлантираверамиз. Мамлакатимиздаги миллий муносабатлар — жонли ҳаётнинг жонли масаласидир. Биз одамларнинг миллий манфаатлари ёки миллий ҳис-туйғуларига дахлдор барча нарсаларда ниҳоят даражада эътиборли ва назокатли бўлишимиз, кўп миллатли жамиятимизнинг турмушидаги ғоят хилма-хил вазифаларни ҳал этишда барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари жуда фаол қатнашишларини таъминлашимиз лозим. Биз қайта қуриш, демократиялаш, уни ривожлантиришнинг янги босқичи мамлакат ҳаётига олиб кираётган янгиликларни ҳисобга олиб, яқин келгусида ана шу масалаларни яна ҳам чуқурроқ анализ қилиш ва муҳокама этиш ниятидамиз.

СССР халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги биз учун — муқаддас иш. Шундай бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу ленинизм руҳига, Улуғ Октябрь анъаналарига, Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг туб манфаатларига мувофиқдир.

Ўртоқлар! Социализмнинг маънавий соҳаси —илм-фан ва маорифни, адабиёт ва санъатни, совет халқи социал ҳамда маънавий қадриятларининг бутун йиғиндисини ҳам ўз ичига олган кенг жабҳадагина совет жамияти сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши, келажакка ёриб ўтиш мумкин бўлади. Маънавий маданият жамиятнинг кўркигина бўлиб қолмай, балки унинг ҳаётини таъминлаш соҳаси, жамиятнинг интеллектуал ва маданий потенциалидир. Маънавий маданият жамиятнинг социал мустаҳкамлигига жило берувчи материал ва жамият жўшқин ривожланишининг тезлаткичи деса бўлади.

Биз социалистик маданиятнинг обрў-эътиборини яна ҳам юқорироқ кўтаришимиз керак. Олимлар ва ихтирочилар, ёзувчилар ва журналистлар, рассомлар, артистлар, ўқитувчилар — маданият ва маориф турли соҳаларининг барча ходимлари қайта қуришнинг курашчилари бўлишга даъват этилганлар. Партия зиёлиларимизнинг фаол гражданлик ва социал позицияда бўлишига умид боғлайди.

Совет халқи маърифатли халқ бўлиб қолдики, ўтмишнинг буюк мутафаккирлари буни фақат орзу қилишлари мумкин эди. Аммо бунда ҳам хотиржамликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозир ҳал этилиши лозим бўлган ғоят катта ва масъулиятли вазифалар ютуқларимиз соясида қолиб кетмаслиги керак. Маориф системаси кўп жиҳатдан замонавий талабларни қондира олмай қолганлигини кўриб турибмиз. Мактаблар ва олий ўқув юртларидаги таълимнинг сифати, ишчи ва мутахассислар тайёрлаш турмуш талабларига унча тўлиқ мос келаётгани йўқ.

Олға томон жиддий сакраш қилиш, бу соҳада ҳам туб ўзгаришларга эришиш зарур. Партия ўрта ва ҳунар таълимини ислоҳ қилишга, олий мактабни қайта қуришга айнан шундай ёндашмоқда. КПСС Марказий Комитети маориф соҳасидаги етилган масалаларни ўз Пленумларининг бирида кўриб чиқишга қарор қилди.

Ўртоқлар, биз социалистик жамият ҳаётининг барча томонларини революцион тарзда қайта қуриш давомида ҳал этишимиз лозим бўлган стратегик вазифаларимиз мана шулардан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумидан кейин икки ярим йил вақт ўтди. Шу вақт ичида нималар қилишга муваффақ бўлдик? Биз қандай маррада турибмиз? Бугунги тантанали мажлисда шундай саволларнинг берилиши ҳам ўринли, ҳам муқаррар, деб ўйлайман.

КПСС Марказий Комитетининг яқиндагина бўлиб ўтган Пленуми шундай хулоса чиқарди: биз бурилиш палласини бошдан кечираяпмиз. Қайта қуриш соҳасидаги ишларнинг биринчи босқичи асосан тугалланди. Мамлакат тараққиётининг аҳволи ва истиқболларини чуқур анализ қилиш асосида қайта қуриш концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатда янгича сиёсий, маънавий-психологик вазият вужудга келтирилди. Партия одамларнинг ижтимоий ишлардан манфаатдорлигини, уларнинг активлигини кучайтиришга, талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид, ошкоралик даражасини оширишга, кишиларнинг тафаккури ва кайфиятларида реал ўзгаришлар учун шарт-шароитларни яратишга муваффақ бўлди.

Қайта қуришни қўллаб-қувватлаш, у муттасил олға ҳаракат қилиб боришини талаб этиш—ҳозирги босқичда совет кишилари позициясини белгилаб бераётган асосий жиҳатдир. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар интизомни кучайтириш, меҳнатнинг самарадорлигини, сифатини ошириш зарурлигига тушуниб муносабатда бўлмоқдалар. Заводлар ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, илмий-тадқиқот ташкилотларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формалари зўр бериб изланмоқда. Ҳозир одамлар ўзларига нисбатан ҳам, раҳбарлар, мутахассисларга нисбатан ҳам янада талабчан бўлиб қолмоқдалар, хўжасизлик ва масъулиятсизликка қатъиян қарши курашмоқдалар. Биз меҳнаткашларнинг мана шундай гражданлик позициясини юксак қадрлаймиз, уни партиянинг қайта қуриш йўлини шубҳасиз ва кучли қўллаб-қувватлаш, деб биламиз.

Энг аввало, социал-иқтисодий соҳадаги амалий ишларда баъзи бир ижобий силжишлар тўғрисида ҳам гапириш учун асос бор. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари кучайди. Экономикада сифат ўзгаришлари мўлжалланди, жуда катта илмий-техникавий программалар рўёбга чиқарилмоқда, Ватан машинасозлиги модернизация қилинмоқда. Қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик барқарорроқ ривожлана бошлади.

Ўртоқлар, бу йил мамлакатимиз кўпчилик районларида нақадар ноқулай об-ҳаво шароитлари вужудга келганини ҳаммангиз биласизлар. Шунга қарамай, биз 210 миллион тоннадан кўпроқ дон ҳосили олишга муваффақ бўлдик. Бу— халқимизнинг, уни янгича ишлашга сафарбар этган партиямизнинг жуда катта куч-ғайратлари натижасидир!

Экономика соғломлаштирила бошлаганлиги социал соҳада катта тадбирларни амалга оширишга киришиш имконини берди. Уй-жой қурилиши миқёслари сезиларли равишда ошди, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг даромадлари кўпаймоқда. Ўқитувчилар ва врачларнинг иш ҳақи оширилди. Маориф ва аҳолига медицина хизмати кўрсатиш соҳасида катта-катта программалар рўёбга чиқарилмоқда.

Шундай бўлса-да, булар фақат ишнинг бошланиши, холос. Ҳозир бизнинг бутун сиёсатимиз, барча қарорларимиз конкрет ишларда намоён бўлиб амалга оширилаётган бир пайтда қайта қуриш янги босқичга кирганлиги тўғрисида гапира оламиз. Бу эса бутун халқнинг —ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг, барча кадрларимизнинг ғоят зўр куч-ғайрат сарфлашларини талаб этади. Эндиликда бизнинг ғояларимиз, режаларимизни, ёндашувларимиз ва иш усулларимизни турмушнинг ўзи синовдан ўтказади.

Ҳозир ҳаёт тобора жўшқин тус олаётганлиги ҳамма нарсада сезилиб турибди. Бу — бунёдкорлик, фаол меҳнат, сиёсий ва интеллектуал фаолият жўшқинлигидир. Яхши сафарбар қилувчи жўшқинликдир, ўртоқлар!

Шу нуқтаи назардан олганда келгуси икки, эҳтимолки уч йил энг мураккаб, ҳал қилувчи йиллар, маълум маънода мушкул йиллар бўлишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Аввало шунинг учунки, айни бир вақтнинг ўзида экономикада ҳам, социал соҳада ҳам, давлат ҳамда жамоат бошқарувини қайта қуришда ҳам, идеология ва маданиятда ҳам кенг миқёсли вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади.

Экономикада чуқур структуравий силжишларни амалга ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда бурилишга эришиш, асосан хўжалик механизмини қайта қуриш ва шу тариқа халқ хўжалигини интенсивлаш йўлига ўтказишда ҳал қилувчи қадам қўйиш зарур.

Келгуси даврнинг мураккаблиги яна шундаки, ўзгартишлар одамларнинг, социал группалар ва аҳоли табақаларининг тобора кўпроқ оммаси, барча кадрларнинг манфаатларига дахлдордир. Меҳнаткашлар қайта қуришни кенг кўламда қўллаб-қувватлашлари, ўзгаришлар қилиш, бу йўлдаги маълум қийинчиликларга қарамай, қайта қуришни зўр ғайрат билан давом эттириш зарурлигини чуқур англаш бундан буён ҳам мамлакатдаги вазиятни белгилаб беришига ишончимиз комил.

Аммо қайта қуришни ўзларининг ғаразли манфаатлари ва мақсадларига таҳдид деб билаётган консерватив кучларнинг қаршилиги муайян даражада зўрайганлигини кўрмаслик нотўғри бўлур эди. Бу ҳол эса бошқарувнинг у ёки бу бўғинларидагина эмас, шу билан бирга меҳнат коллективларида ҳам намоён бўлмоқда. Консерватизм кучлари қайта қуришни обрўсизлантиришга, меҳнаткашларнинг норозилигини уйғотишга уриниб кўриш учун ҳар қандай қийинчиликлардан дарҳол фойдаланиб қолишларига ҳам ҳеч шубҳаланмаса бўлади. Баъзи кимсалар ҳозирнинг ўзидаёқ енг шимариб камчиликларга қарши курашиш, янги ечимларни излаб топиш ўрнига хатоларни ҳисобга олиб боришни афзал кўрмоқдалар. Бунда ҳеч ким мен қайта қуришга қаршиман, деб айтаётгани йўқ, албатта. Йўқ, бундай кимса қайта қуришдаги нуқсонларга қарши курашчи, омманинг активлиги кучайиб бораётганлиги гўё бўшаштириб қўйиши мумкин бўлган ғоявий негизларнинг ҳимоячиси сифатида ҳаракат қилади.

Лекин ўртоқлар, бизни қачонгача ҳар қандай камчилик ва нуқсонлар билан чўчитавериш мумкин, ахир! Ҳар қандай ишда, бунинг устига янги ишда камчиликлар бўлиши муқаррар, албатта. Аммо бир жойда депсиниб туриш, турғунлик ва лоқайдлик оқибатлари ижтимоий турмуш янги формаларини ижодий бунёд этиш жараёнида муваққат пайдо бўладиган камчилик ва нуқсонларга қараганда каттароқ бўлиб, анча қимматга тушади.

Қайта қуриш мухолифларини — ишга тўсқинлик қилиб, ҳаракатимизга тўғаноқ бўлаётганларни, қийинчиликлар ва муваффақиятсизликлардан ичи қоралик билан суюнаётганларни, бизни ўтмишга тортишга уринаётганларни билиб олишни, уларни фош қилишни, бундай кимсаларнинг найрангларини чиппакка чиқаришни ўрганиб олиш керак. Биз ҳаддан ташқари шошма-шошар ва бетоқат кишиларнинг — қайта қуриш объектив мантиқи билан ҳисоблашишни истамаётган, уларнинг назарида ўзгартишларнинг суръатлари суст деб норозилик билдираётган, гўё бундай ўзгартишлар тезда зарур самараларни бермайди, деб айтаётган кимсаларнинг тазйиқига ҳам берилиб кетмаслигимиз лозим. Босқичдан-босқичга сакраб ўтиш ва ҳамма нарсани бир варакайига бажаришга уриниш мумкин эмаслиги равшан бўлиши керак.

Қайта қуриш революция ишини давом эттирмоқда. Революцион матонат қуролини мукаммал эгаллаб олиш маҳорати ҳозир ҳам ниҳоятда зарурдир. Бундай матонат жойида ўтириш ёки оқимга қараб сузишдан иборат эмас. Бу — вазиятга реалистик баҳо бериш, қийинчиликлар олдида чекинмаслик, ваҳима қилмаслик, муваффақиятлардан ҳам, муваффақиятсизликлардан ҳам ўзини йўқотиб қўймаслик қобилияти — ҳар кун, ҳар соатда қизғин ва собитқадам меҳнат қилиш, ҳамма жойда ва ҳар ишда ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган энг мақбул ечимларни топиб, амалга ошира билиш қобилиятидир.

Биз белгилаган режаларни рўёбга чиқариш, ўртага қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш соҳасида дадил, қатъият ва собитқадамлик билан ишлаш зарурати мана шундан келиб чиқади. Зиддиятларни очиб ташлаш, таҳлил этиш, уларнинг табиатини англаш ва шу асосда сиёсий, иқтисодий, социал, ташкилий ва мафкуравий чора-тадбирлар системасини тузиш — бизнинг ёндашувимиз бўлиб қолиши керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас!

Ўртоқлар! Қайта қуришнинг муваффақияти, аввало, партиянинг, ҳар бир коммунистнинг ғайрат-шижоати, собитқадамлиги, намуна кучига боғлиқдир. Социал-иқтисодий ўзгартишларнинг тарихан масъулиятли шу палласида Коммунистик партия жамиятни янгилаш учун дадил ва қатъий кураш бошлади, ишларнинг энг оғир юкини ўз зиммасига олди. Бинобарин, биз Октябрнинг улуғ иши — революцион қайта қуриш иши забардаст қўлларда, деб комил-ишонч билан айта оламиз. Коммунистлар халқ ва замон олдидаги бурчини юксак масъулият билан адо этадилар.

Партия ташкилотлари, партия органлари ва кадрлари фаолиятини тубдан яхшилаш бугунги куннинг бош вазифаси бўлиб қолмоқда. Ҳар бир партия ташкилотининг фаолиятида бурилишга эришиш, ҳар бир партия комитетининг, ҳар бир коммунистнинг ишини активлаштириш лозим. Ҳозирдаёқ шундай қилишга муваффақ бўлинган жойларда, партия раҳбарлари, коммунистлар омманинг ташаббускорлиги ва фаолиятини кучайтира олган, демократиялаш ва ошкоралик йўлига, хўжалик ҳисобини, коллектив пудратни жорий этиш йўлига дадиллик билан ўтилган, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг, одамлар талаб-эҳтиёжини қондиришнинг янги формаларига кенг йўл очилган жойларда ишлар қатъият билан юришиб кетди. Лекин биз бир қанча шаҳарлар, районлар ҳамда областларда ва ҳатто, баъзи республикаларда қайта қуриш ҳали чинакамига авж олдирилмаганлигини кўриб турибмиз. Бу эса партия комитетлари ҳамда раҳбарларининг сиёсий ва ташкилий жиҳатдан сусткашлиги, ташаббуссизлигининг бевосита натижасидир. Буни ҳам кўра билиш керак. Булар ҳам биздаги реалликдир.

Ишларни яхшилаш учун бошланғич партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Қайта қуришнинг барча жиҳатлари аслида уларга бориб тақалади. Ўзгартишларнинг бориши, одамларни сафарбар этиш ва илҳомлантириш маҳорати, ишни конкрет равишда яхшилашга эришиш маҳорати, аввало, айнан бошланғич партия ташкилотларининг ташаббускорлигига боғлиқдир. Умуман, ўртоқлар, барча партия ташкилотларининг ҳаётини кескин активлаштирмай туриб, биз қайта қуришни амалга ошира олмаймиз. Шу боисдан кўпроқ ишчанлик, кўпроқ демократизм, кўпроқ уюшқоқлик ва интизом бўлсин. Ана шундагина биз қайта қуришни зўр куч билан давом эттириб, ривожланаётган социализмга янги-янги омиллар бағишлай оламиз.

III. УЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА ҲОЗИРГИ ДУНЁ

Ўртоқлар! Россияда улуғ революция бўлмаганида дунё биз ҳозир кўриб турганимиздек бўлмас эди. Жаҳон тарихидаги шу бурилишга қадар кучлилар ва бойларнинг «ҳуқуқи», шунингдек босқинчилик урушлари халқаро муносабатларнинг одатдаги нормаси эди. Биринчи қонун акти сифатида Сулҳ тўғрисидаги машҳур декретни қабул қилган Совет ҳокимияти бундай тартибга қарши кураш бошлади. Советлар мамлакати аввалари «катта сиёсат»дан ташқарида бўлиб келган халқнинг соғлом фикри ва меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини халқаро практикага олиб кирди.

Ленин совет ташқи сиёсатига раҳбарлик қилган ўша бир неча йиллар ичида ташқи сиёсатнинг асосий приципларини ишлаб чиқибгина қолмай, шу билан бирга уни жуда одатдан ташқари ва кескин ўзгариб бораётган вазиятда қандай қўлланиш лозимлигини ҳам кўрсатиб берган эди. Дарҳақиқат, дастлаб кутилганига қарамай, капиталистик системанинг энг «заиф халқаси» узилганлиги «энг сўнгги қатъий жанг» эмас, балки узоқ ва мураккаб жараённинг бошланиши эди.

Совет давлати асосчисининг ғоят буюк хизмати шундан иборат бўлдики, у Гражданлар уруши ғолибона тугаганлиги натижасида янги Россия олдида очилаётган реал истиқболни ўз вақтида кўра билди. Унинг фикрича, мамлакат «нафасни ростлаб олиш» имконигагина эга бўлиб қолмай, балки анча каттароқ нарсага — «янги бир даврга ҳам эга бўлиб олганлигимиз, бу даврда биз капиталистик давлатлар орасида ўзимизнинг халқаро яшаш ҳуқуқимизни асосан қўлга киритганимиз» аниқ ва равшан бўлади. Ленин улар билан узоқ вақт «тинч-тотув яшашни» ўрганиб олиш йўлини қатъиян таклиф этди. У сўл экстремизмга қарши ўлароқ турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши мумкинлигини асослаб берди.

Ишчи-деҳқон давлатини ташқи сиёсий жиҳатдан яккаланишдан олиб чиқиш учун Гражданлар урушидан кейин атиги бир ярим —икки йил керак бўлди. Чегарадош мамлакатлар билан, сўнгра Германия билан Рапаллода шартномалар тузилди. Англия, Франция, Италия, Швеция, бошқа капиталистик давлатлар Совет республикасини дипломатик жиҳатдан тан олдилар. Шарқ давлатлари — Хитой, Туркия, Эрон, Афғонистон билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишда дастлабки қадамлар қўйилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ленинча ташқи сиёсат ва дипломатиянинг шунчаки биринчи ғалабаларигина эмас эди. Бу — принципиал янги халқаро ривожланиш йўлига чиқиб олиш эди. Халқаро сиёсатимизнинг бош йўналишига асос солингандики, биз буни ҳақли равишда тинчликка, давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига ва халқлар дўстлигига қаратилган ленинча йўл деб атаймиз.

Ўз-ўзидан равшанки, бизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги барча ишларимиз ҳам кейинчалик фақат муваффақиятлар ва ютуқлардангина иборат бўлгани йўқ. Хатолар ҳам бўлиб турди. Иккинчи жаҳон урушигача ҳам, ундан кейин ҳам очилган имкониятлардан фойдаланишга ҳамиша ва ҳар ишда муваффақ бўлинавермади. Совет Иттифоқи урушдан жуда катта маънавий обрў ортттириб чиққан эди, биз тинчликсевар, демократик кучларини жипслаштириш ва «совуқ уруш» ташкилотчиларини тўхтатиб қолиш учун ана шу обрўдан фойдалана олмадик. Империализмнинг иғвогарлик ҳаракатларига бизнинг жавобимиз ҳамиша ҳам бир хилда бўлавермади.

Ҳа, ниманидир яхшироқ амалга ошириш, яна ҳам самаралироқ ҳаракат қилиш мумкин эди. Шунга қарамай, биз мана шу тантанали дамларда: сиёсатимизнинг принципиал йўли Ленин ишлаб чиққан ва асос солган бош йўналишга доимо мос бўлиб келди, яъни социализмнинг табиатига, унинг тинчликка қаратилган принципиал йўлига мувофиқ бўлди, деб айта оламиз.

Ҳал қилувчи даражада айни мана шу туфайли ядро уруши чиқишининг олдини олишга, империализмнинг «совуқ уруш»да ютиб чиқишига йўл қўймасликка муваффақ бўлинди. Биз ўз иттифоқчиларимиз билан биргаликда империалистларнинг «социализмни улоқтириб ташлаш» стратегиясини мағлубиятга учратдик. Империализм ўзининг жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъволаридан тийилиб туришига тўғри келди. Янги босқичда биз янгича тафаккур руҳида янги ёндашувларни ишлаб чиқаётганимизда айни ўз тинчликсевар сиёсатимизнинг натижаларига таяна олдик.

Тинч-тотув яшашдан иборат ленинча концепция бирмунча ўзгаришларга учраганлиги табиий. Дастлаб у аввало социалистик революция мамлакатида янги жамият барпо этиш учун минимал ташқи шароитларни яратиш зарурати асосланган эди. Аммо ғолиб чиққан пролетариат синфий сиёсатининг давоми бўлмиш тинч-тотув яшаш сиёсати кейинчалик ва айниқса ядро асрида бутун инсоният омон қолишининг шартига айланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йилги апрель Пленуми шу йўналишда ҳам Лениннинг фикрини ривожлантириш марраси бўлди. XXVII съезд кенг миқёсдаги янги ташқи сиёсат концепциясини баён этиб берди. Маълумки, ҳозирги дунёнинг чуқур зиддиятларига ва ундаги давлатларнинг тубдан фарқ қилишига қарамай, бу дунё ўзаро алоқадор, бир-бирига боғлиқ бўлиб, муайян даражада яхлит бир нарсадир, деган ғоя ана шу концепциянинг илк нуқтасидир.

Жаҳон хўжалик алоқалари интернационаллашиб бораётганлиги, фан-техника революциясининг кенг қамровли характери, ахборот ва коммуникация воситаларининг принципиал янги роли, планета ресурсларининг ҳолати, умумий экологик хавф-хатар, ривожланаётган дунёнинг барчага дахлдор ғоят ўткир социал муаммолари шуни тақазо этмоқда. Аммо энг муҳими — инсон зотининг омон қолиши муаммоси юзага келганлиги шуни тақозо этди, чунки ядро қуролининг пайдо бўлганлиги ва уни қўлланиш хавфи инсон барҳаётлигининг ўзини шубҳа остида қолдирди.

Шу тариқа, Лениннинг ижтимоий тараққиёт манфаатлари устунлиги ғояси янги маъно ва аҳамиятга эга бўлиб қолди. Апрель пленумидан бошлаб биз хавф-хатарсиз, мустаҳкам тинчлик сари ҳаракатни қандай тасаввур этишимизни ҳаммага жуда равшан қилиб айтдик. Бизнинг ниятларимиз ва хоҳиш-иродамиз партия олий сиёсий анжумани — XXVII съезд қарорларида, Янги таҳрирдаги КПСС Программасида, 1986 йил 15 январдаги баёнотда таклиф қилинган ядровий қуролсизланиш программасида, Деҳли Декларациясида, бошқа ҳужжатларда, Совет Иттифоқи раҳбар арбобларининг расмий нутқларида баён этилган.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан биргаликда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бир қанча катта ташаббусларни кўтариб чиқдик, шу жумладан халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг кенг қамровли системасини барпо этиш лойиҳасини ўртага қўйдик. Варшава Шартномаси давлатлари НАТОга, Европадаги барча мамлакатларга мурожаат этиб, қуролли кучларни ва қурол-яроғларни оқилона ва етарли бўлган даражагача камайтиришни таклиф қилдилар. Иккала иттифоқнинг ҳарбий доктриналарига фақат мудофаа йўналишини бахш этиш мақсадида шу доктриналарни таққослаб кўришга даъват этдик. Химиявий қуролни тақиқлаш ва тугатишга актив ҳаракат қилиш мақсадида аниқ-равшан планни ҳам ўртага ташладик. Қурол-яроғларни қисқартириш устидан контроллик қилишнинг самарали методларини ташкил этиш, шу жумладан жойларда инспекция ўтказиш соҳасида ташаббус кўрсатдик.

Биз БМТнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашни, унга ҳамда унинг органларига халқаро ҳамжамият топшириб қўйган ҳуқуқлардан тўла-тўкис ва таъсирчан фойдаланишни қатъият билан талаб қилиб чиқдик. Универсал механизм бўлмиш БМТ барча давлатлар манфаатларининг мувозанатини коллектив бўлиб қидириш йўлларини ваколатли равишда муҳокама қилиши ва таъминлай олиши, ўзининг тинчликсеварлик вазифасини самарали бажариши учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаяпмиз.

Энг муҳими шундан иборатки, бизнинг тинчлик концепциямиз ва қатъий йўл-йўриғимиз халқаро майдондаги ишларда ва бутун феъл-атворимизда, ўзаро хавотирликларни ва жаҳон фанининг хулосаларини эътиборга оладиган, бирон-бир давлатни доғда қолдириш ёки алдашга уринмайдиган ошкора ва ҳалол мулоқотга интилиш муддаоси билан суғорилган ташқи сиёсий ва дипломатик ишдаги услубнинг ўзида ифодаланди. Хуллас, мана шу икки йилдан ортиқроқ вақт ўтганидан кейин биз ишонч билан айта оламизки, янги сиёсий тафаккур— шунчаки декларация ва даъват эмас, балки ҳаракат фалсафаси, таъбир жоиз бўлса — ҳаёт фалсафасидир. Шу фалсафа дунёдаги объектив жараёнлар билан бирга тинимсиз ривожланмоқда ва ҳозирнинг ўзидаёқ амал қилмоқда.

1986 йил октябридаги Рейкьявик учрашуви халқаро тараққиётда бошланган ҳамда бугун эсга олса арзийдиган ва тарихда қоладиган янги босқич воқеалари жумласига киради. Бу учрашув янги тафаккурга амалий куч-ғайрат бахш этди, унинг жуда турли ижтимоий ва сиёсий доираларда мустаҳкамланишига имкон берди, халқаро сиёсий алоқаларни эса янада натижадор қилди.

Умумбашарий мезонларга эга бўлган, ақл-заковат ва ошкораликни кўзлайдиган янги тафаккур жаҳон ишларида ўзига йўл очиб, антисоветизм сийқа принципларини ҳамда бизнинг ташаббусларимиз ва ҳаракатларимизга нисбатан шубҳа-гумонларни чиппакка чиқара бошлади.

Ҳозирги инсоният ўзининг омон қолишини таъминлаш учун ҳал этиши керак бўлган вазифаларнинг миқёслари билан ўлчайдиган бўлсак, ҳали жуда оз, жуда кам иш қилинди, албатта. Бироқ пойдевор қўйилди ва ўзгаришларнинг дастлабки нишоналари кўриниб турибди. Яқин вақт ичида ўртача олислик ракеталари ва оператив-тактик ракеталар юзасидан шартнома тузиш ҳақида Америка Қўшма Штатлари билан эришилган аҳднома бунинг яққол исботларидан биридир.

Бу битимнинг тузилиши катта мустақил аҳамиятга эгадир: биринчи марта ядровий қуролларнинг бутун бир туркуми тугатилади, ядровий аслаҳахоналарни йўқ қилиб ташлаш йўлида биринчи реал қадам қўйилади, бу йўлда ҳеч кимга зарар етказмай олға силжиш мумкинлиги амалда кўрсатилади.

Бу — янгича фикрлашнинг муҳим муваффақияти, бизнинг тенг хавфсизлик принципини ғоят эҳтиёт қилиб асраб, ўзаро мақбул ечимларни қидириб топишга тайёрлигимизнинг самаралари эканлиги шубҳасиздир.

Бироқ бу битим тўғрисидаги масала Рейкьявикдаёқ, бизнинг президент билан иккинчи учрашувимизда асосан ҳал қилинган эди.

Шу қадар масъулиятли даврда дунё СССР билан АҚШнинг раҳбарлари учинчи ва тўртинчи учрашувидан бир йил муқаддам аҳдлашиб олинган нарсаларни шунчаки расман қайд этишдан кўра, мунозараларни шунчаки давом эттиришдан кўра кўпроқ натижа кутмоқда. Вақт ҳам, назорат остидан чиқиб кетиши мумкин бўлган қурол-яроғларни такомиллаштириш хавфи кучайиб бораётганлиги ҳам шошилтирмоқда.

Шу сабабли биз ана шу учрашувларда ядро уруши хавфини бартараф этишнинг энг муҳим масаласида — стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш ва қуролни космосга чиқаришга йўл қўймаслик тўғрисидаги масалада сезиларли силжишга, аниқ—равшан натижаларга эришишга сабот билан ҳаракат қиламиз.

Хўш, бизнинг умидворлигимиз учун, кенг қамровли хавфсизликка ҳақиқатан ҳам эришиш мумкин деб ҳисоблаш учун қандай асосларимиз бор? Бу масалага батафсилроқ тўхтаса арзийди.

Бизнинг революциямиз назарий жиҳатдан тайёргарлик кўрилмаган тақдирда, ғалаба қозона олмаган бўлур эди. Революциямизнинг 70 йиллигини нишонлар эканмиз, ҳозир жаҳон тарихининг янги бурилиш нуқтасида ҳам, барқарор тинчлик сари олға интилиш истиқболларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқмоқдамиз. Биз қуролсизланиш шароитида халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси лозим ва мумкинлигини янгича тафаккур ёрдамида асосан асослаб бердик. Энди шу мақсад сари бориш ва унга эришиш зарурлиги ва реаллигини исботлаб бериш лозим. Манфаатлар курашида, зиддиятларида, тўқнашувларида изланган натижани бера оладиган кучлар ўзаро таъсирининг қонуниятларини аниқлаш керак. Шу муносабат билан аввало, яна ленинча таълимотимиз позицияларида туриб, унинг методологиясидан фойдаланиб, ўзимизга қийин саволларни беришимиз лозим.

Биринчи савол империализмнинг табиатига доир саволдир. Асосий уруш хавфи бунинг табиати замирида яшириниб ётганлиги маълум. Ижтимоий тузумнинг табиати ташқи факторларнинг таъсирида ўзгариши мумкин эмас, албатта. Бироқ жаҳон тараққиётининг ҳозирги фазасида, дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги янги даражасида ана шу дунёнинг табиатига таъсир ўтказиб, унинг энг хатарли кўринишлари йўлини тўсиш мумкинми? Бошқача қилиб айтганда умумбашарий қадриятлар энг катта устунлик ҳисобланган яхлит дунёнинг қонуниятлари капиталистик системанинг ўта кетган худбинлик, тор синфий қонуниятлари вайронгарчилик ҳаракати доирасини чеклай олишига умид қилиб бўладими?

Иккинчи савол. Бу савол биринчи савол билан боғланган: капитализм милитаризмдан халос бўла оладими. У милитаризмсиз иқтисодий жиҳатдан яшаб, ривожлана оладими? Шу муносабат билан бизнинг Ғарбдаги мамлакатларга экономикани қайтадан ўзгартириш, яъни уни тинч изга ўтказиш программасини тайёрлаш ва таққослашга таклиф қилаётганлигимиз хаёлий бир нарса эмасми?

Учинчи савол. Капиталистик система ўзининг ҳозирги ҳаётини таъминлаш манбаларидан бири бўлган янги мустамлакачиликсиз кун кўра оладими? Бошқача қилиб айтганда, бу система «учинчи дунё» билан ноэквивалент айрибошлашсиз яшай оладими? Ҳозирги бундай айрибошлашнинг оқибатлари нима бўлишини айтиб бўлмайди.

Шу саволлар қаторида яна бир савол бор: ҳозирги дунё ҳалокатли хавф-хатар ёқасида турганлиги тушунчаси Ғарб дунёсининг ҳукмрон юқори табақаси олий эшелонларига ҳам кириб бораётган бир пайтда мана шу тушунча амалий сиёсатга ўтишига бўлган умид реалмикан? Чунки ақл-идрок далиллари нақадар кучли бўлмасин, масъулият туйғуси нақадар ривожланган бўлмасин, ўзини-ўзи сақлаб қолиш туйғуси нақадар зўр бўлмасин,— етарли баҳо бермасдан бўлмайдиган ва иқтисодий, бинобарин синфий манфаат билан ҳам белгиланадиган нарсалар бор.

(Давоми. 5-бетда).

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-бетларда).

Бошқача қилиб айтганда, гап капитализм ядросиз ва қуролсизланган дунё шароитига, янги, одилона иқтисодий тартиб шароитига, икки дунёнинг маънавий қадриятларини ҳалол таққослаш шароитига кўника оладими ёки йўқми эканлиги ҳақида бормоқда. Булар шунчаки бекорга берилаётган саволлар эмас. Яқин ўн йилликлардаги тарихий воқеаларнинг қандай ривожланиши шу саволларга бериладиган жавобга боғлиқ.

Вазифанинг нақадар жиддийлигини пайқаб олиш учун шу саволларнинг ўзини қўйишгина етарли. Бу саволларга ҳаёт жавоб қайтаради. Ядросиз ва хавф-хатарсиз дунё программасининг ўзи нақадар тўғрилиги уни илмий жиҳатдан бемалол кўст асослаш билангина текширилмайди. Уни жуда турли-туман ва янги кучлар таъсир ўтказадиган воқеаларнинг бориши текширади.

У ҳозирнинг ўзидаёқ текширувдан ўтмоқда. Бу соҳада ҳам биз Ленин анъанасига, ленинизм моҳиятининг ўзига содиқмиз. Чунончи, назария билан практиканинг узвий қотишмасига, практика қуроли бўлмиш назарияга ва назариянинг тўғрилигини назорат қилувчи механизм бўлмиш практикага ёндашувга содиқмиз. Биз айни шундай иш тутиб, янгича тафаккурни ташқи сиёсий фаолиятга татбиқ этаяпмиз ва унга реал сиёсатдан олинган тажриба асосида тузатиш, аниқлик киритиб, уни бойитиб бораяпмиз.

Шундай қилиб, биз хавф-хатарсиз дунёни капиталистик мамлакатлар билан биргаликда қуришга тўғри келишини била туриб нималарга умид қиляпмиз?

Урушдан кейинги давр жаҳон экономикаси ва сиёсатидаги асосий жараёнларни белгилаб келган зиддиятларнинг чуқур мослашувидан далолат берди. Бунда мен, аввало, шу зиддиятларнинг ўтмишда муқаррар равишда урушга, капиталистик давлатларнинг ўзлари ўртасидаги жаҳон урушларига олиб борган тарзда ривожланишини назарда тутаяпман.

Ҳозир вазият бошқача. Ўтган уруш сабоқларигина эмас, шу билан бирга жаҳон системаси бўлиб қолган социализм олдида ўзини заифлаштириб қўйишдан чўчиш ҳам капитализмга ўзининг ички зиддиятларини охирги чегарага етказишига имкон бермади. Бу зиддиятларнинг кучайиши бир-бири билан технология соҳасидаги пойгага айланиб кетган мустамлакачилик ёрдамида «ясаниб» олди. Ленин жалик алоқаларининг моҳият эътибори билан янада салмоқли қисми бўлиб қолади. Бу эса кенг қамровли тинчлик ва халқаро хавфсизлик системасининг моддий базасини кенгайтиради ҳамда мустаҳкамлайди. Умуман, қайта қуришнинг замон цивилизацияси тақдирида ўзига аталган яна бир энг муҳим жиҳати мана шундан иборат.

Синфий кураш, социал зиддиятларнинг бошқа кўринишлари тинчлик йўлидаги объектив жараёнларга таъсир ўтказади.

Ишчилар ҳаракатининг илғор кучлари унинг сиёсий савиясини юксалтириш йўлларини изламоқдалар. Улар жуда мураккаб, янги ва ўзгариб бораётган вазиятда ишлашларига тўғри келмоқда. Омманинг иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларигина эмас, шу билан бирга демократия учун, шу жумладан ишлаб чиқаришдаги демократия учун кураш масалалари ҳам янгича тарзда кўндаланг бўлиб турибди. Масалан, кўпинча ишчиларга «шерикчилик»ни таклиф этмоқдалар, аммо бизнеснинг энг нозик сирлари тақа-тақ беркитиб қўйилган тарздаги ва раҳбар ходимларни эркин сайлаш тўғрисида гап ҳам бўлмайдиган тарздаги «шерикчилик» бўлади бу.

Ғарб дунёсида, ишчилар синфи йўқ бўлиб кетмоқда, деган «назариялар» тўлиб-тошиб ётибди, гўё у «ўрта табақа» орасида бутунлай эриб қоришиб кетган эмиш, социал жиҳатдан айниган эмиш ва ҳоказо, ҳоказо. Дарҳақиқат, ишчилар синфида катта ва муҳим ўзгаришлар рўй берди. Аммо синфий душман ўзига-ўзи беҳуда таскин бермоқда ва ишчилар ҳаракатининг ўзини пароканда қилишга, йўлдан оздиришга уринмоқда. Эндиликда ўзининг янги социал чегараларида сон жиҳатдан устун кучга айланиб қолган ишчилар синфи, айниқса тарихнинг кескин бурилишларида ҳал қилувчи роль ўйнаш имкониятига эга бўлиб қолди.

Бунга ундовчи сабаблар ҳар хил бўлиши мумкин. Экономикани телбаларча ҳарбийлаштириш — эҳтимол тутилган сабаблардан биридир. Милитаризм асосида технология революциясининг янги фазасига ўтиш — кучли катализатордир, айниқса бу—урушга олиб борадиган йўлдир, бинобарин аҳолининг ҳамма табақаларига дахл қиладиган, иқтисодий талабларнинг доираларидан ташқари оммавий норозилик чегараларини кенгайтиради. Демак, бу соҳада ҳам ҳукмрон синф, монополистик капитал корчалонлари бир йўлни танлаб олишларига тўғри келади. Ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этишнинг ҳозирги даражасида экономикани қайтадан ўзгартириш, ҳарбий издан тинч изга кўчириш мумкинлигига бизнинг ишончимиз комил ва фан ҳам шуни тасдиқлаб турибди. Айни вақтда, бу тинчлик йўлини танлаб олиш ҳам бўлур эди.

Ривожланган ва ривожланаётган дунё ўртасида муносабатлардаги кризис оқибатлари ҳам шундай хулосага олиб келади. Башарти иш портлаш ёқасига етиб борадиган бўлса ва «учинчи дунё»ни эксплуатация қилиш ҳисобига бундан кейин неъматлардан фойдаланишнинг иложи қолмайдиган бўлса, бусиз яшай олмайдиган системанинг номақбуллиги ва унга тоқат қилиб бўлмаслиги тўғрисидаги масала сиёсат майдонида пайдо бўлиши ва жуда ўткир тус олиши мумкин. Умуман, шу нуқтаи назардан ҳам капитализм ишни портлашгача олиб бориш ёки тенг ҳуқуқли асосда манфаатлар мувозанатини талаб қиладиган ўзаро боғлиқ ва яхлит дунё қонунлари билан ҳисоблашишдан иборат икки йўлдан бирини узил-кесил танлаб олиши керак бўлади. Вазиятга қараганда ҳам бизнинг назаримизда бундай қилиш зарургина эмас, мумкин ҳамдир. «Учинчи дунё»нинг ўзидаги кучлар ҳам шу йўлда ҳаракат қилмоқдалар.

Миллий-озодлик ҳаракатининг пасайиши тўғрисида гапириш одат бўлиб қолди. Аммо бунда, чамаси, тушунчалар чалкаштирилиши, вазиятнинг янгилигини писанд қилмаслик содир бўлмоқда. Башарти, сиёсий мустақиллик учун кураш босқичида амал қилган озодлик турткиси назарда тутилаётган бўлса, у албатта сусаймоқда. Шундай бўлиши ҳам табиий. «Учинчи дунё» ривожининг янги, ҳозирги босқичи учун зарур бўлган туртки эса эндигина шаклланиб келмоқда. Бу масалани ҳам аниқ-равшан англаб олиш ва умидсизликка берилмаслик керак.

Шу турткини ташкил этадиган омиллар турли-туман ва хилма-хил. Баъзан ғаройиб шаклларга кириб бораётган қудратли иқтисодий жараён ҳам шу жумлага киради. Масалан, баъзи мамлакатлар кам ривожланганлик нишоналарини сақлаб қолаётган бўлса-да, жаҳон экономикаси ва сиёсатида бу юк давлатлар даражасига чиқиб олмоқдалар, Миллатларнинг шаклланиши ва том маънодаги миллий давлатларнинг мустаҳкамланиши (улар орасида революцион режимли мамлакатлар муҳим ўрин олиб турибди) давомидаги сиёсий кучгайратнинг зўрайиб бораётганлиги ҳам шу жумлага киради. Камбағаллик билан бойлик ўртасидаги, имкониятлар билан реал аҳвол ўртасидаги ҳаддан ташқари катта тафовут кучайиб бориши заминидаги қаҳр-ғазаб туғёни ҳам шу жумлага киради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг давлатлараро жипслашуви жараёнларини ифодаловчи ташкилотларда ўзига хослик ва мустақиллик кучи тобора кўпроқ бўртиб чиқиб, активлик ҳаракат қилмоқда. Бу нарса барча ташкилотларга бирон-бир даражада хосдир, бундай ташкилотлар эса оз эмас: Африка бирлиги ташкилоти, Араб мамлакатлари уюшмаси, АСЕАН. Америка давлатлари ташкилоти, Лотин Америкаси иқтисодий системаси, Жанубий Тинч океан анжумани, Осиё регионал ҳамкорлик уюшмаси. Ислом конференцияси ташкилоти ва айниқса Кўшилмаслик ҳаракати шулар жумласига киради.

Улар зиддиятли манфаатлар, эҳтиёжлар, талаблар, идеологиялар, даъволар ва ҳурофотларнинг айни шу босқичдаги мажмуасини акс эттиради. Уларнинг ҳаммаси, гарчи жаҳон сиёсатининг сезиларли омилига айланган бўлса-да, ҳали ўз имкониятларини намоён этгани йўқ. Аммо бу ўриндаги имконият жуда катта, унинг ҳатто яқин ярим асрдаги натижалари қандай бўлишини ҳам олдиндан айтиб бериш қийин.

Бир нарса равшан — бу бутун инсоният масалаларини ҳал этишда фаол, тенг ҳуқуқли қатнашишнинг ташкилий формаларини излаётган бутун бир дунёдир. Бу дунёда икки ярим миллиард киши яшаб турибди. Унинг жаҳон сиёсатига таъсиригина эмас, шу билан бирга келажакдаги жаҳон экономикасини шакллантиришдаги ноёб роли ҳам тез суръатлар билан орта боришини олдиндан фаҳмлаш мумкин.

Мамлакатлараро капитал нақадар қудратли бўлмасин, «учинчи дунё»нинг ҳаракат йўлини у белгилаб бермайди, балки аксинча, ўзи халқлар танлаб олган ёки танлаб олаётган мустақил йўлига мослашишга мажбур бўлади. Улар ва уларнинг вакиллари бўлган ташкилотлар эса дунёдаги янги иқтисодий тартибдан ҳаётий манфаатдордирлар.

Яна бир жуда муҳим жиҳат бор. Капиталистик дунёнинг ўз доирасида сўнгги ўн йилликлардаги ривожланиш жараёнида ижтимоий зиддиятлар ва ҳаракатларнинг янги формалари юзага келди. Бу—ядро уруши хавфига қарши, табиий муҳитни ҳимоя қилиш учун, ирқий камситишга қарши, жамиятни омадлилар ва маҳкумларга парчалаб ташлайдиган сиёсатга қарши, янги капиталистик модернизация қурбони бўлган бутун-бутун саноат зоналарининг кулфатларига қарши кураш ҳаракатларидир. Бу ҳаракатларда миллионлаб кишилар қатнашмоқдалар. Таниқли фан ва маданият арбоблари, миллий ва халқаро миқёсдаги мўътабар кишилар ана шу ҳаракатларнинг илҳомчилари ва раҳбарлари бўлмоқдалар.

Социал-демократик, социалистик, лейбористик партиялар ҳамда уларга ўхшаш ёки улар билан алоқадор оммавий ташкилотлар бир қанча мамлакатлардаги сиёсий жараёнда мутгасил муҳим роль ўйнаб келмоқдалар, айрим жойларда эса ўз таъсирларини кучайтирмоқдалар

Шу тариқа биз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий — барча параметрлар жиҳатидан ҳозирги дунёнинг ҳамма жойида Ленин марксизмдаги энг чуқур қоидалардан бири деб ҳисоблаган қоида, чунончи: тарихий ҳаракатнинг асосланганлиги билан бирга бу ҳаракатни ўз иши қилиб олган омма ҳам кўпаяверади, деган қоида ўзини оқламоқда. Бу эса ҳамиша социал тараққиётнинг, бинобарин тинчликнинг ҳам энг тўғри белгиси ва энг қудратли омилидир.

Дарҳақиқат, давримизнинг улуғлиги ва янгилиги шундан иборатки, халқлар тарих саҳнасида кўпроқ очиқ-ойдин ва ошкора қатнашмоқдалар. Уларнинг ҳозирги позицияси пировард натижада эмас, балки бевосита ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этади. Шу тариқа яна бир янги ҳақиқат ойдинлашади: XX—XXI асрлар бўсағасидаги тарихнинг ҳаракати учун доимий йўлни танлаб олиш жуда характерли бўлиб қолмоқда. Бу йўлнинг тўғрилиги эса миллионлаб, юз миллионлаб кишиларнинг манфаатлари ва фикр-ўйлари қай тариқа ва қай даражада эътиборга олинишига боғлиқ бўлади.

Сиёсатчиларнинг масъулияти ҳам мана шундан келиб чиқади. Чунки, реал сиёсат замоннинг мана шу янгилиги эътиборга олинган тақдирдагина реал сиёсат бўлиши мумкин, замоннинг янгилиги эса шундан иборат: эндиликда инсон омили одамлар оммаси ҳаёти ва фаолиятининг, улар ниятларининг олисдаги ва бирмунча стихияли натижаси тарзидагина сиёсий даражага кўтарилаётгани йўқ. У жаҳон ишларига тўғридан-тўғри кириб бормоқда. Буни англамайдиган, бошқача қилиб айтганда, ҳозирги реалликка ва халқларнинг хоҳиш-иродасига таянувчи янги тафаккурдан ташқаридаги сиёсат ўз мамлакати учун ҳам, бошқа мамлакатлар учун ҳам қалтис, оқибатини билиб бўлмайдиган бадиҳага айланиб қолади. Бундай сиёсатнинг узоқ муддатли таянчи йўқ.

Биз келажакка, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини барпо этиш истиқболларига умидворлик билан қараётганлигимизнинг асослари мана шулардан иборат.

Бизнинг мудофаа масалалари хусусидаги позициямиз ҳам шу фикр билан мутлақо мантиқий равишда боғланган. Ҳали уруш хавфи сақланиб қолаётган экан, социал соҳада ўч олиш ҳали ғарб стратегияси ва милитаристик программаларининг ўзаги бўлиб қолаётган экан, биз мудофаа қудратимизни империализмнинг социализмдан ҳарбий устунлигини истисно қиладиган даражада сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳамма ишларни бундан буён ҳам қилаверамиз.

Ўртоқлар! Шу тантанали кунларда халқаро коммунистик ҳаракатнинг хизматларини муносиб тақдирлаймиз. Унинг ҳаётий бардамлиги манбаи ҳозиргача ҳам ўзининг халқаро моҳиятини сақлаб келаётган Октябрь революцияси замиридадир. Халқаро коммунистик ҳаракат ўз мамлакати заминидан ўсиб чиқиб ривожланмоқда, бироқ коммунист қайси миллатга мансуб бўлмасин ва қайси мамлакатда ишламасин, унинг қиёфасининг ўзида қандайдир муштараклик бор. Бу — энг яхши, коммунистик жамиятга содиқликдир, меҳнаткашларга, аввало ишчилар синфига садоқатдир, уларнинг туб манфаатлари учун, тинчлик ва демократия учун курашдир.

Бизнинг шу санамизда учинчи Коммунистик Интернационални ҳам эсга олиб ўтилса арзийди, деб ўйлайман. Ҳали унинг тўғрисидаги барча ҳақиқатни тиклаш унинг чинакам ва тўла-тўкис тарихини ёзиш керак бўлади. Унинг фаолиятида қанча камчиликлар ва хатолар бўлишидан қатъи назар ҳамда унинг тарихидаги баъзи саҳифаларни эслатиб ўтиш қанчалик аччиқ бўлмасин Коминтерн-ҳаракатимиз буюк ўтмишининг бир қисмидир. Октябрь туфайли бунёдга келган бу ҳаракат интернационализм ва революцион қардошлик мактабигина бўлиб қолмай у интернационализмни меҳнаткашлар манфаатлари йўлидаги, миллатлар ва элатларнинг социал тараққиёти йўлидаги курашнинг амалий қуролига айлантирди. XX аср чинакам шуҳратларининг гуруҳи, бутун планетадаги миллионлаб маълумларнинг дардига шерик бўлган, уларнинг фарёдини эшитган ҳамда уларни курашга даъват этган ўз бурчига содиқ ва ҳалол, юксак инсоний фазилатларга эга бўлган ва букилмас иродали мард кишилар ана шу ҳаракат сафларидан етишиб чиқдилар.

Коммунистлар фашизмнинг хавф-хатари хусусида биринчи бўлиб бонг урдилар, унга қарши курашга биринчи бўлиб отландилар ва фашизмнинг биринчи қурбонлари бўлдилар. Бутун дунёдан келган коммунистлар Испанияда фашизмга қарши биринчи бўлиб қуролли жангга кирдилар. Улар ўз халқларининг озодлиги ва миллий қадр-қиммати йўлида биринчи бўлиб қаршилик кўрсатиш байроғини кўтардилар. Иккинчи жаҳон урушида фашизмни қақшатқич тор-мор этишга айни коммунистлар, энг аввало Совет коммунистлари ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар.

Кейинчалик ҳам, ҳозир ҳам коммунистлар ҳар қандай реакция ва жаҳолатпарастликка қарши курашда худди шундай муросасизлик ва жасурлик билан биринчи сафларда бормоқдалар. Булар — тилларда достон бўлган қаҳрамонлик ва фидокорлик кўрсатган кишилардир. Бундай кишилар кам бўлмай, балки ягона ирода, темир интизом ҳамда чинакам ғоявийлик билан уюшган ва жипслашган юз минглабдирлар.

Коминтерн, Информбюро ва ҳатто мажбурий халқаро кенгашлар даври ўтиб кетди. Аммо дунё миқёсида Халқаро Коммунистик ҳаракат мавжуддир. Барча партиялар тўла-тўкис ва муқаррар равишда мустақилдирлар. Биз бу ҳақда XX съездидаёқ айтиб ўтган эдик. Тўғри, эскича одатлардан бирданига халос бўлганимиз йўқ. Аммо энди, бу, шубҳасиз реалликдир. Шу жиҳатдан КПСС XXVII съезди ҳам узил-кесил ва қатъий марра бўлиб қолди. Биз буни қайта қуриш давомида қардош партиялар билан ўз муносабатларимизда амалда исботладик, деб ўйлайман.

Халқаро Коммунистик ҳаракат-жаҳон тараққиётининг ўзи, унинг ҳаракатга келтирувчи кучлари каби довон ошмоқда. Компартиялар асрлар чегарасидаги чуқур ўзгаришларда ўзининг янги ўрнини изламоқдалар. Уларнинг Интернационал ҳаракати ёса янгиланиб, ишончи, тенг ҳуқуқлилик ва самимий бирдамликнинг ҳам янгиланган нормаларига нисбатан ҳурмат билан жипслашмоқда. Бу ҳаракат бошқа ҳар қандай революцион, демократик ва тараққийпарвар кучлар билан мулоқот учун, ҳамкорлик учун, баҳамжиҳат ҳаракат ва иттифоқ учун очиқдир.

Капитализмга зид ўлароқ коммунистик ҳаракат — тинчлик учун, ўз мамлакатларининг мустақиллиги ва тараққиёти учун, Ер юзидаги барча халқлар ўртасида дўстлик учун энг жасур ва изчил курашчилар ҳаракати истиқболига КПССнинг ишончи комил.

Ўртоқлар! Жаҳон социалистик системасининг юзага келганлиги — Октябрдан кейин жаҳон тарихидаги энг муҳим воқеликдир. Мана қирқ йилдирки, социализм кўпгина халқларнинг муштарак тақдири, ҳозирги замон цивилизациясининг ғоят муҳим омили бўлиб қолди.

Партиямиз, совет халқи дўстларимиз билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш имкониятини юксак қадрламоқдалар, эндиликда, мана бир неча ўн йилларки, социализм учун, унинг олға ҳаракат қилиб бориши учун бизнинг зиммамизга тушаётгани каби уларнинг зиммасига ҳам давлат масъулияти тушмоқда. Барча социалистик давлатлар социал, иқтисодий ва идеологик вазифаларни ҳал этишда, янги турмуш қуришда кўпгина мароқли ва фойдали тажриба орттирдилар.

Социалистик система ва у амалда синаб кўрган изланишлар ҳамда тажриба умуминсоний аҳамиятга эга. Социалистик система инсон турмушининг асосий саволларига ўз жавобларини жаҳонга таклиф этди, ўзининг инсонпарварлик ва коллективчилик қадриятларини синаб кўрди, меҳнат аҳли ана шу қадриятларнинг марказидадир. Социалистик тузум меҳнат аҳлига ўз қадр-қимматини, мамлакат соҳиби эканлигини ҳис этиш туйғусини сингдиради. социал жиҳатдан ҳимоялаб, келажакдан кўнглини тўқ қилади. У билим олиш, маданиятдан баҳраманд бўлиш учун кенг имконият очади, ҳар бир шахснинг ўзига хос қобилиятлари ва истеъдодини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратади.

Социалистик мамлакатларнинг халқлари эришган ютуқлар бизнинг муштарак ифтихоримиздир. Бунинг устига ана шу ютуқлар кўп йиллик самарали ҳамкорликнинг натижаси, шу мамлакатларнинг фуқаролари — партия ва жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш коллективлари, ижодий союзлар ва маданият муассасалари ўртасида мисли кўрилмаган кенг кўламли ва ошкора чинакам қардошларча муносабатларнинг, оилавий ва шахсий алоқаларнинг ўнг минглаб кишиларнинг биргаликдаги меҳнати ва ўқишининг самаралари ҳамдир.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлаганда кўп нарса яққолроқ кўринади. Социализмга ўтиш қонуниятлари ва суръатлари гўғрисидаги тасаввурларимизга, социализмнинг жаҳон миқёсидаги ролини англашга ҳаёт тузатишлар киритди. Биз жаҳонда содир бўлаётган барча прогрессив ўзгаришлар гўё фақат социализм билан боғлиқдир, деб асло ҳисоблаётганиз йўқ. Бироқ инсоният учун энг муҳим проблемаларнинг қўйилиши ва уларни ҳал этиш йўлларини излаш қандай бораётганлиги жаҳон тараққиётининг халқаро куч бўлмиш социализм билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Бундай боғлиқлик ядро фалокатининг олдини олиш учун курашда ва турли халқларнинг ўз социал-сиёсий йўлини зўр муваффақият билан ҳимоя қилиш имконини берадиган жаҳон кучларининг нисбати мавжудлигида айниқса яққол кўринмоқда.

Тўпланган тажриба социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамма эътироф этган принциплар асосида яхшироқ қуришга имкон беради. Бу — сўзсиз ва тўла тенгликдир. Бу — идора қилувчи партиянинг ўз давлатидаги ишлар учун масъулияти, ўз халқига ватанпарварларча хизмат қилишидир. Бу — социализмнинг муштарак иши тўғрисида ғамхўрликдир. Бу — бир-бирини ҳурмат қилиш, дўстлар эришган ва синаб кўрган нарсаларга жиддий муносабатда бўлиш, кўп соҳаларда ихтиёрий ҳамкорлик қилишдир. Бу — барчанинг тинч-тотув яшаш принципларига қатъий риоя этишидир. Социалистик интернационализм практикаси худди мана шунга таянади.

Эндиликда социализм дунёси кўз ўнгимизда миллий ва социал жиҳатдан ғоят хилма-хил қиёфада намоён бўлмоқда. Бу ҳам яхши ва фойдалидир. Биз бирдик ўхшашликни, бир хилликни асло билдирмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Шунга ҳам ишонч ҳосил қилдикки, социализмнинг ҳамма тенглашадиган қандайдир «модели» йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб жамиятни қайта қуришда ҳақиқатан эришилган муваффақиятларнинг йиғиндиси ва сифати ҳар бир босқичда ва ҳар бир мамлакатда социализмни ривожлантириш мезони бўлади.

Биз социалистик давлатларнинг ўзаро муносабатларида интернационалистик асоснинг заифлашуви, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро ёрдам принципларидан чекинишлар, жаҳон майдонидаги фаолиятда социализмнинг умумий манфаатларига эътиборсизлик қандай зиён етказишини ҳам биламиз.

Бизнинг барча социалистик давлатлар билан муносабатларимиз кейинги вақтларда жўшқин тус олиб, такомиллаштирилаётганлигини мамнуният билан қайд этиб ўтамиз. Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги ҳамкорлик яна ҳам самарали, амалий тус олди, албатта, дарвоқе, бу Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши қатнашчиларини бошқа социалистик мамлакатлардан ҳеч нарса принципиал равишда ажратмайди.

XXVII съезд КПСС позициясини аниқ белгилаб берди: бизнинг ҳар бир социалистик мамлакат билан сиёсатда ва баҳамжиҳат ҳаракатимизнинг бошқа барча соҳаларида ҳар иккала томоннинг манфаати умуман социализмнинг манфаати билан боғланишини таъминлайдиган омил ҳал қилувчи ҳисобланади. Социалистик мамлакатлар билан дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни бутун чоралар билан ривожлантириш — Совет Иттифоқи халқаро сиёсатининг устун йўналишидир! Бугун биз социалистик мамлакатлар делегацияларини табриклар эканмиз, улар орқали социалистик мамлакатлар халқларини табриклаймиз! **(Қарсаклар).**

Азиз ўртоқлар!
Муҳтарам чет эллик меҳмонлар!

Коммунистик ғояларнинг ҳаётбахш кучи бизнинг барча ўй-фикрларимиз ҳамда зафарларимизни илҳомлантириб келди ва илҳомлантирмоқда. Бу ғоялар революция байроғига ёзиб қўйилган эди, шу ғояларни муқаддас билиб ишонган, ўз ҳаётининг мақсади ва маъноси деб қабул қилган миллионлаб кишиларни бу ғоялар курашга ва меҳнат зафарларига отлантирди.

Халқнинг меҳнати ва кураши, унинг эркин танлаб олган мақсадга эришиш йўлидаги чексиз қатъияти, унинг қувончлари ва ғам-ташвишлари — мана шуларнинг ҳаммаси революцион қайта қуриш йўлидан бораётган бугунги социализмнинг реаллигида мужассамланди. Октябрнинг кучи, ҳамон давом этаётган революциянинг кучи ҳам мана шундадир.

Совет халқининг синалган авангарди—ленинчи партия бутун етмиш йил мобайнида унга бошчилик қилиб келмоқда. Партия ва революция, партия ва Октябрь ажралмасдир!

Марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган партия бўлмаса социалистик революция ғалаба қозона олмаган бўлур эди. Янги жамият барпо этишни ўрганиб олган партия бўлмаса социализм бўлмас эди, бизнинг буюк давлатимиз ҳам бўлмасди. Шундай негиз ҳам бўлмас эдики, эндиликда ижтимоий турмушнинг ҳамма томонлари ана шу негиз асосида янгиланиб, мамлакат социал-иқтисодий тараққиёти жадаллаштирилмоқда. Янги шароитда ҳам партия революцион янгиланишга бошчилик қилишини, ўз сиёсатининг таъсирчанлигини қатъият ва изчиллик билан оширишини, ижтимоий турмушнинг барча йўналишлари ва ҳамма босқичларида демократиялашни авж олдиришини замон талаб этмоқда.

Партия ролининг кучайиб бориши — қонуниятли жараён. Аммо бундай ролни қуруқ сўзлар ёки юзаки расм-русумлар белгилаб бермайди. Бу ролни таълил қилиш ва баҳолашнинг теранлиги ҳамда ҳалоллиги, сиёсатнинг ўзаро ёрдам принципларидан чекинишлар, хусусий билан умумийни, шахсий манфаат билан жамоат манфаатини, ҳозирги кун билан узоқ муддатли даврни қиёслай билиш маҳорати белгилаб беради. Бу ролни жамиятдаги ишларнинг бориши учун барча партия ташкилотлари ва ҳар бир коммунистнинг масъулиятини ошириш белгилаб беради.

Партиямиз сафларида салкам йигирма миллион коммунист-мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг ўндан бир қисми аъзодир. Бу ғоят катта куч. Аммо қайта қуришга партиявий таъсир ўтказиш потенциали ҳали тўла-тўкис ишга туширилган эмас. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мана шу мураккаб ҳамда қунт билан олиб бориладиган ишни яхшилаш учун жиддий омиллар бағишлаши керак.

Улуғ революция ишининг, улуғ Ленин ишининг тақдири ҳозир бизнинг қўлимиздадир. Биз яна синаб кўрилмаган йўлдан бораяпмиз. Бу эса партия зиммасига, ҳаммамизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Ленин сўзлари билан айтганда «Революция замони ҳаракат қилиш замони.., ҳам юқоридан, ҳам пастдан ҳаракат қилиш замони»дир Янги типдаги партия энг биринчи қадам қўя-бошлаган пайтдан буён унинг анъанаси мана шундай. Социализмни ривожлантиришнинг ҳозирги ниҳоятда мураккаб, шу билан бирга ўз янгилиги билан илҳомлантирувчи босқичида совет жамиятининг авангардига нисбатан талаб ана шундай.

Ўртоқлар! Инсоният 1917 йилда чинакам тарих бўсағасидан ҳаллаб ўтган эди. Бироқ ўтган етмиш йил, фашизм ва иккинчи жаҳон урушини, «совуқ уруш»ни ва қуролланиш пойгасини, термоядро фалокати ва жаҳон миқёсидаги кризислар хавфини келтириб чиқарган иқтисодий ларзалар ҳамда социал фалокатлар инсониятнинг талайгина қисмини ўтмиш ҳамон ўз чангалида ушлаб турганлигидан далолат беради. Шундай бўлса-да, биз яшаб турган даврни, XX ва XXI асрлар туташадиган маррани социал ўзгаришларнинг тёранлиги жиҳатидан ҳам, Ер юзи халқлари олдида пайдо бўлган вазифаларнинг жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлиги жиҳатидан ҳам ноёб деб ҳисоблашга ҳақлимиз.

Ҳозир биз инсоният 1917 йилнинг октябрига қадар яшаганидек, ҳақиқатан ҳам абадий яшашга маҳкум эмаслигини кўриб турибмиз. Социализм қудратли, кучайиб, ривожланиб бораётган реалликка айланди. Инсониятга истиқбол йўлларини, чин инсоний муносабатларнинг янги қадриятларини айни Октябрь, айни социализм кўрсатиб бермоқда. Худбинлик ўрнига коллективчилик бўлиши лозим. Эксплуатация ва жабр-зулм ўрнига озодлик ва тенглик бўлиши лозим. Озчиликнинг истибдоди ўрнига чинакам халқ ҳокимияти бўлсин. Ижтимоий кучларнинг стихияли ва шафқатсиз найранги ўрнига ақл-идрок ва инсонпарварлик роли кучайиб борсин. Ҳар хил адоват ва урушлар ўрнига умуминсоний бирлашиш ва тинчлик зарур.

Бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бошқа мамлакатларда яшовчи ҳозирги авлодлар ҳам Ер юзида цивилизациянинг тақдири ва ҳаётнинг ўзи сақланиб қолиши учун жавобгардирлар. Жаҳон тарихи янги минг йиллигининг бошланиши унинг фожиали хотимаси бўлиб қоладими ёки келажакнинг илҳомбахш муқаддимаси бўладими?— Бу нарса пировард натижада ҳозирги авлодларга боғлиқдир.

XXI аср бошланишига бор—йўғи 13 йилдан сал кўпроқ вақт қолди. 2017 йилда эса халқимиз, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрнинг юз йиллигини кутиб олади.

Дунё революциямизнинг бир асрлик маррасидан ўтганида у қандай бўларкин, социализм қандай бўларкин, давлатлар ва халқларнинг жаҳон ҳамжамияти қай даражадаги етукликка эришаркин? Фолбинлик қилиб ўтирмаймиз, аммо келажакка айни ҳозир асос солинишини ёдда тутишимиз шарт. Бизнинг бетакрор цивилизациямизни, ер юзида ҳаётнинг ўзини сақлаб қолиш, ядровий телбалик устидан ақл-идрокнинг тантана қилишига эришиш, инсон билан инсониятни эркин ва ҳар томонлама камол топтириб, ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш—бизнинг бурчимиздир.

Биз чексиз тараққиёт мумкинлигини кўриб турибмиз. Уни таъминлаш осон эмаслигини биламиз, бу бизни чўчитмайди. Аксинча бу бизни илҳомлантиради, чунки турмушни юксак инсонпарварлик мақсади, теран мазмун билан бойитади!

Биз 1917 йилнинг октябрида эски дунёни тарк этиб, уни узил-кесил рад қилган эдик. Биз янги дунё—коммунизм дунёси сари бормоқдамиз. Бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз!

(Доклад зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бўлиниб турди).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Кремлнинг Съездлар саройидаги тантанали мажлис

Улуғ Октябрь социалистик революцияси XX асрнинг инсоният тарихида янги давр бошланганидан дарак берган энг буюк воқеаси бўлди. У зулм ва эксплуатация кишанларини парчалаб ташлаган омма тарихий ижодкорлигининг мислсиз парвози бўлди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг 2 ноябрь куни Москвада очилган қўшма тантанали мажлиси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланди. Кремлнинг Съездлар саройига КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, ССР Иттифоқи ва Россия Федерацияси Олий Советларининг депутатлари, касаба союзлари ва комсомол вакиллари, партия ветеранлари, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, ўн иккинчи беш йиллик зарбдорлари, юбилей тантаналарида қатнашиш учун мамлакатимизга келган кўпдан-кўп чет эллик меҳмонлар, дипломатик корпус, матбуот намояндалари йиғилдилар.

Эрталаб соат ўн. Мажлис аҳли **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добрынин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олди.

Иттифоқдош республикаларнинг раҳбарлари, Ленин партиясининг ветеранлари, Октябрь революциясининг қатнашчилари, социалистик Ватан жанговар ва меҳнат ғалабаларининг қаҳрамонлари, машҳур олимлар, маданият усталари, ҳарбий бошлиқлар, таниқли жамоат арбоблари ҳам президиумда ўтиришибди.

Социалистик мамлакатлар партия-давлат ва партия-ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари, бир қанча давлатларнинг президентлари ва ҳукумат бошлиқлари, коммунистик ва ишчи партияларнинг, революцион-демократик, миллий-демократик партияларнинг, озодлик ҳаракатларининг раҳбарлари, социал-демократия намояндалари, атоқли жамоат арбоблари ҳам шу ерда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. А. Громико** кириш нутқи сўзлаб очди.

Ўртоқ А. А. ГРОМИКОнинг кириш нутқи

Азиз ўртоқлар!

Муҳтарам чет эллик меҳмонлар!

Бугун биз, мана шу Кремль залида совет халқи ва бутун дунё меҳнаткашларининг шонли байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг етмиш йиллиги муносабати билан тўпландик. **(Қарсаклар).**

Биз Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси бепоён мамлакатда ҳокимиятни қўлга олган 1917 йилнинг Октябрь кунини тўлқинланиб эсга оламиз. Ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, Россиядаги барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари, революцияни бевосита ижод этган омма партияга эргашиб борганлиги учун у мана шундай қила олди.

Советлар ҳокимиятининг етмиш йиллиги шундай бир маррадирки, биз унга яқинлашар эканмиз, орқага қайрилиб қараб:

— Ҳа, биз жуда катта йўл босиб ўтдик, бу йўлда тўсиқлар ва қийинчиликлар бўлди, кўпгина тер ва қон тўкилди, аммо халқимиз ҳамма тўсиқларни енгди, ҳамма қийинчиликларни бартараф этди, деб ишонч билан айтишга ҳақлимиз.

Бу йўлнинг якунлари социализмнинг ажойиб ғалабаларидан, социалистик ижтимоий муносабатларнинг сўнмас қадриятларидан, марксизм-ленинизм таълимотининг тантанасидан, пролетар интернационализми ғояларининг зафар қучганлигидан иборатдир.

Совет кишилари Улуғ Октябрнинг етмиш йиллигини улуғвор революцион қайта қуриш даврида қутиб олмоқдалар. Бутун жамиятни янгилашнинг қудратли жараёни рўй бермоқда.

КПСС XXVII съезди мамлакат тараққиётига қудратли тезлаштирувчи куч бағишлади, ҳозир бутун совет халқи унинг йўлини изчиллик билан бажариш белгиси остида меҳнат қилмоқда.

Бугун биз бу ерда Улуғ Октябрь революцияси ва гражданлар урушининг бевосита қатнашчиларини табриклаймиз. Улар, Ленин гвардиясининг жангчиларидан унчалик кўп киши қолгани йўқ. Аммо уларнинг жасорати ҳозирги етмиш йиллик чўққисидан қараганда аввалгидек улуғвор порлаб турибди.

Биз дастлабки беш йилликлар даврида қудратли социалистик саноатни ва социалистик қишлоқ хўжалигини барпо этган меҳнат қаҳрамонларига ҳурмат бажо келтирамиз.

Биз Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жанг қилган кишилар ҳақида ифтихор билан эзгу сўзлар айтамиз.

Фашизмга қарши ҳаётмамот олишувида Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилган кишиларнинг порлоқ хотирасини эслаб, уларга абадий шон-шарафлар бўлсин, деймиз. Ўша урушнинг орамизда яшаб турган ветеранларига таъзим қиламиз. **(Қарсаклар).**

Бу ерда биз партиямиз Марказий Комитетининг аъзоларини, улар орқали эса ўн тўққиз миллиондан ортиқ кишини бирлаштириб турган бутун коммунистлар партиямизни табриклаймиз. **(Қарсаклар).**

Айни партия Октябрь ғалабасига бош бўлди ва мана етмиш йилдирки, халқни Ленин байроғи остида социализм йўлидан янги муваффақиятлар сари дадил бошлаб бормоқда **(Қарсаклар).**

Биз СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг депутатларини, улар билан бирга эса барча поғоналарда халқ сайлаб қўйган вакилларнинг икки миллиондан кўпроқ армиясини табриклаймиз. Улар — рўй бераётган ўзгартишларда қудратли кучдир **(Қарсаклар).**

Шу ерда, Кремль даргоҳида туриб, биз бутун совет халқини ва алоҳида ҳар бир граждани байрам билан табриклаймиз. Бизда номсиз қаҳрамонлар йўқ. Ҳар бир киши ўз меҳнатининг жамиятга кераклигини билиши зарур. Бутун куч-ғайрат билан қилинган мана шу ҳалол меҳнат—қайта қуриш тарихий ишига қўшилган энг яхши ҳисса бўлади.

Азиз ватандошлар, сизларнинг ҳаммангизни Улуғ Октябрнинг етмиш йиллиги байрами билан табриклайман! **(Қарсаклар).**

Октябрь иши мамлакатимизда яшаб турибди. Аммо бу иш бизнинг мамлакатимиздагина яшаётгани йўқ. Уни социализм мамлакатларининг муваффақиятларида кўриш мумкин. Уни қардош Коммунистик ва Ишчи партияларнинг ишларида, халқларнинг миллий озодлик курашида, Ер куррасидаги барча тараққийпарвар кучларнинг тинчлик учун, қуролланиш пойгасига, айниқса ядровий қуролланиш пойгасига қарши, космик фазони ҳарбийлаштиришга қарши ҳаракатида кўриниб мумкин.

Улуғ Октябрь революцияси бутун Ер куррасига, бошқа халқларга жуда катта таъсир ўтказди. Унинг ғалабаси халқаро муносабатларга ҳам кескин таъсир қилди. Октябрь туфайли юзага келган чинакам тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, тинч-тотув яшаш, қуролсизланиш каби тушунчалар мамлакатлар ўртасидаги алоқа тилига сингиб кетди.

Бугунги байрамда 119 мамлакатдан 163 та делегация биз билан бирга қатнашаётганлигининг ўзи Совет давлатига, партиямиз ва халқимизга бўлган ҳурматдан далолат бериб турибди **(Қарсаклар).**

Чет эллик меҳмонларнинг исм ва фамилияларини айтиб ўтишнинг ўзи ғоят маънодордир — улар орасида атоқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, донгдор қаҳрамонлар, ўз мамлакатларида машҳур ва бутун дунёда яхши ном чиқарган кишилар бор **(Қарсаклар).**

Азиз чет эллик меҳмонлар, байрамда қатнашиш учун мамлакатимизга келганингиз учун Сизларга раҳмат. Биз Сизларни хушнудлик билан астойдил табриклаймиз **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси етмиш йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисини очиқ, деб эълон қиламан. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Совет Иттифоқининг Давлат Гимни янграйди.

«Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» деган мавзуда доклад қилиш учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачев**га сўз берилади.

* * *

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг зўр эътибор билан тингланган доклади давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ветеранларига, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қатнашчиларига, Советлар ҳокимияти учун актив курашчиларга

Азиз ўртоқлар!

Ленин гвардиясининг шонли ветеранлари!

Мамлакатимиз, Ер юзидаги тараққийпарвар кишилар инсоният ҳаётида янги давр бошланганидан дарак берган XX асрнинг энг буюк воқеаси бўлган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг етмиш йиллигини нишонламоқдалар. Октябрь ғалабасига Россия ишчилар синфи, барча меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги Большевиклар партияси раҳбарлигида эришдилар. Октябрнинг ғалабаси жамият тузилишининг меҳнаткашлар ҳокимияти, ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкилигидан иборат цивилизация тарихидаги мисли кўрилмаган принциплари тантанасини қарор топтирди. Октябрь халқларнинг интернационал бирлиги, чинакам тенглиги ва қардошлигига йўл солди, коллективчилик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам, омманинг ташаббуси ва ижодкорлигига кенг уфқ очди. У: халқларга —тинчлик! деган ва ҳозир ҳам актуал бўлган талаб билан халқаро майдонга чиқди.

Революция санасини байрам қилар эканмиз, ҳақли равишда ўз тарихимиз билан фахрланамиз. Улуғ Октябрь социалистик революцияси қатнашчиларининг, профессионал революционерларнинг, В. И. Ленин сафдошларининг, Совет ҳокимияти учун актив курашчиларнинг шонли ишлари мангу сўнмаяжакдир. Империалист интервенциячиларга ва ички контрреволюцияга қарши жуда шиддатли олишувларда Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилган Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг, социалистик диёримиз барча мард ватанпарварларининг хотираси қалбларимизнинг тўридан яшайверади.

Революция санасини байрам қилар эканмиз, янги турмуш қурувчиларининг барча авлодларига, мамлакатимизни иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ мамлакатдан қудратли, жаҳон социалистик давлатига айлантирган барча кишиларга ҳурмат бажо келтирамиз. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг меҳнати ва истеъдоди, революцион бардамлиги ва қаҳрамонлиги бугунги ютуқларимизда мужассамлашган.

Революция санасини байрам қилар эканмиз, келажакка комил ишонч билан назар ташлаймиз. Партия, совет халқи жамият турмушининг ҳамма соҳаларини қайта қуриб, революцион тарзда янгилаб, шу тариқа Октябрь ишини давом эттирмоқдалар. КПСС XXVII съезди мустаҳкам ташкилотчилик ва ижодий ёндашув билан белгилаб берган йўл мақсадларимизнинг кенг миқёсини ва имкониятларини реаллигини пишиқ-пухта бирлаштиради, бу йўлда мамлакат меҳнаткашлари астойдил қўллаб-қувватлаётганларнинг куч-ғайрати билан бу йўл турмушда рўёбга чиқарилмоқда.

Қайта қуриш жараёни турғунлик ҳолатларини ва қолоқликларни бартараф этишга кўмаклашмоқда, янгиланишларга янги шабада бахш этмоқда. Экономикани бошқаришда ва хўжалик механизмида туб ўзгаришларга асос солинмоқда. Жамиятнинг социал-маданий соҳаси ва маънавий потенциали мустаҳкамланмоқда. Чуқурлашиб бораётган демократия ошкоралик ҳозирги турмушимизга хос бетакрор бўлиб қарор топмоқда. Мамлакатимизда рўй бераётган ўз моҳияти жиҳатдан революцион ўзгаришларни социализм қўйган принциплари асосида, Октябрь бошлаган иш янада олға силжисин, деган бир мақсад тақозо этган.

Партия, Совет давлати инсоният боши узра хавф-хатар турган ядро уруши хавфига қарши, халқларнинг хавфсизлиги учун сабот ва изчиллик билан курашмоқдалар. Биз халқаро ишларда янгича фикрлаш, Ер юзида мустаҳкам тинчлик тарафдоримиз.

Азиз ўртоқлар!

Сизларни, Октябрь революциясининг қатнашчилари, партия, уруш ва меҳнат ветеранларини умумхалқ байрами билан астойдил табриклаймиз. Сизларнинг Ватан олдида жуда катта хизматларингиз учун, Сизларнинг жанговар ва соратингиз ва шавкатли меҳнатингиз учун, Сизларнинг Октябрь ғалабаларини ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга шахсан қўшган ҳиссангиз учун чуқур ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этамиз.

Сизлар бундан буён ҳам коммунизм буюк идеалларига содиқ актив курашчилар сафида бўласизлар, ёшларни совет ватанпарварлигининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда партияга ёрдам берасизлар, социалистик демократиянинг тобора чуқурлашувига, жамиятимизни қайта қуриш стратегиясини амалга оширишда қатнашаверасизлар, деб ишонамиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатлари йўлида, социалистик Ватанимизнинг фаровонлиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

АСРИМИЗНИНГ ЭНГ БУЮК ВОҚЕАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНМОҚДАЛАР

Қайта қуришнинг революцион одимлари

Кеча Москвада, Кремлнинг съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачевнинг сермазмун доклади дунёдаги 70 дан зиёд тилларга ва элларга ёйилди.

Унда инсоният ҳаётида янги босқични бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг мислсиз аҳамияти ҳар томонлама чуқур очиб берилди.

Биз, ветеранлар революция омма тарихий ижодкорлигининг мислсиз равнақи, ҳар қандай зулмлар сиртмоғини улоқтириб ташлаган совет халқининг энг буюк ғалабаси эканлигини чуқур ҳис этамиз.

Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш даврининг оташин курашчилари, жонли шоҳидлари билан мулоқотда бўлганмиз, уларнинг ҳикоялари ҳамон қулоқларимиз тагида жаранглаб туради.

Юбилейга бағишланган тантанали мажлисда минглаб курашчиларнинг жасоратларига муносиб равишда баҳо берилди. Улуғ Октябрь бугунги кунда бизнинг ишларимизда давом эттирилаётгани таъкидланди.

Ҳозирги қайта қуриш, бундёдкорлик ишлари ўзининг моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан жуда катта ишдир. Биз бу ишлардан мақсад социалистик жамиятимиз тараққиётини янада жадаллаштириш эканлигини яхши англаймиз.

Биз, Тошкент ветеранлари ҳам бу ишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишга интиляпмиз, ўзимиз кўпдан билган, бошдан кечирган воқеалар асосида ишлаб чиқариш коллективларида, аҳоли турар жойларида, мактаблар ва бошқа жойларда кишиларни ёшларга ҳикоя қилиб берамиз, уларни янги меҳнатларга руҳлантирямиз.

И. БОБОЖОНОВ,
1920 йилдан КПСС аъзоси.

ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА

Келажакка дахлдор

Афғонистон ёшларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган митингида АДРни Октябрь Ватани билан боғлаб турган мустаҳкам дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари тўғрисида гапирилди. Митингда Ўзбекистон пойтахтининг ўқув юртларида таълим олаётган афғонистонлик йигит ва қизлар қатнашдилар.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 3-курс студенти Фрузан, митингнинг бошқа қатнашчилари ўз нутқларида Советлар мамлакатининг бегараз ёрдами ва мадади туфайли афғон халқи Апрель революцияси вазифаларини қатъият билан амалга оширмоқда ва АХДП эълон қилган миллий яраш йўлини изчил рўёбга чиқармоқда, дедилар. Афғонистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқи билан анъанавий дўстлик ва ҳамкорликни қадрлайдилар. Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам алоқалар иккала халқнинг туб манфаатларига мос эканлиги таъкидланди. Улуғ Октябрь байрами арафасида Афғонистоннинг барча меҳнаткашлари совет кишиларига қизғин қутлов сўзларини йўллайдилар.

Сўзга чиққан кишилар АДРнинг меҳнат коллективлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини байрам қилишга тайёргарликда фаол қатнашаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Афғонистоннинг шаҳар ва қишлоқларида шонли сана шарафига жамоатчилик митингларини ва йиғилишларини ўтказилмоқда.

Митингда АДРнинг Тошкентдаги Бош консули Ғулом Ҳазрат Ҳамгар нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Шу кунларда бутун совет халқи жаҳоншумул, тарихий аҳамиятга молик Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини кенг нишонламоқда. Шодиёна байрамни ҳар бир совет кишиси меҳнатда ўзининг муносиб улуши билан қарши олмоқда. Улар орасида ишчилар, колхозчилар, медицина ходимлари, инженерлар, ўқитувчилар, санъаткорлар, ҳамда бошқа касб эгалари, Иттифоқимизнинг барча коммунист ва комсомоллари бор.

Ҳозир биз — санъаткорлар ҳаётида ҳам муҳим бир давр — қайта қуриш жараёни давом этмоқда. Чунончи халқимизга инъом этилаётган барча асарларимизда янгиланиш шабадаси эсаётганлигини айтиш мумкин.

Биз, санъаткорлар ҳам ўртоқ М. С. Горбачевнинг тантанали мажлисдаги докладини мароқ билан тингладик. Доклад ҳақиқатан ҳам сермазмун. Унда мамлакатимизнинг 70 йил давомида эришган ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам ҳар томонлама таҳлил қилиниб, очиқчасига айтилди. Энг муҳими, ошкоралик ва қайта қуриш даврининг асосий проблемалари, жамиятимизнинг бундан кейинги тараққиётига тегишли масалаларнинг белгилаб берилиши қувончлидир. Бундай аниқ ва чидамли режа-лоса шуки — биз ким бўлишимиздан қатъий назар, майлик, қайси касбда ишласак ҳам, майлик шу жамоатда ишлайдиган бўлайлик, ҳаммамиз ўз олдимизга қўйган данимиз, шунинг учун ҳаракат қилайлик, ҳаракатимиз ҳам тиржам қўл қовуштириб ўтиришга асло ҳаққимиз йўқ. Чунки бу масалалар бевосита келажакка даҳлдордир.

Р. ЧОРИЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ рассоми.



«Тошкент оқшоми» махсус мухбирлари оталиқдаги Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар қиладилар.

БИЗ ҲАММАМИЗПАХТАКОРМИЗ БАРЧАГА ЎРНАК БЎЛИБ

«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

Хоразм	0,71	80,63
Бухоро	0,92	79,31
Сурхондарё	0,75	75,06
Тошкент	0,61	70,44
ҚҚАССР	0,88	69,84
Жиззах	1,41	67,42
Сирдарё	0,86	64,64
Фарғона	0,26	62,96
Наманган	0,21	54,62
Қашқадарё	0,77	54,47
Андижон	0,05	49,83
Навоий	0,83	49,70
Самарқанд	0,99	46,93
Республика бўйича:	0,68	63,51


Ҳозир ҳамма «оқ олтин»ни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун ҳаракат қилмоқда. Айни чоғда Ленин район меҳнаткашлари ҳам шаҳримизнинг энг кекса онахони Кимсаной ая Содиқова даъватига «лаббай» деб жавоб бериб, юбилей йили хирмонига ўз улушларини қўшишмоқда.

— Ҳар куни районимиздан 700—800 ҳашарчи пахта далаларига чиқмоқда, — дейди район партия комитети саноат бўлими мудири Ж. Э. Шамсиев. — Шанба ва якшанба кунлари ҳашарчилар сони бирмунча кўпаймоқда. Айни вақтда улар Тошкент областининг Пискент, Чиноз районларида, Жиззах областида пахтакорларга яқиндан ёрдам беришмоқда.

...Турнақатор бўлиб кетаётган автобуслардан шўх қўшиқ таралмоқда. Ўрта Чирчиқ районидаги Қуйбишев колхози пахта далаларига етиб келган автобуслардан тушган ҳашарчилар этак тутиб пахтазорга кириб боришмоқда.

Биз ҳам эгат оралаб боряпмиз. Ҳашарчилар юзидаги қувонч, шодлик аломатлари уларга ғайрат бағишлаётгандек.

— Мен ёшлигимдан ҳар йилги пахта мавсумида иштирок этганман, — дейди Ленин район санитария эпидемиология станцияси ходими 63 ёшли Антонина Ивановна Шипаева. — Албатта, у вақтда пахтани бирмунча кўпроқ терардим.



Ана шу станция ходими 60 ёшли Е. М. Акимова ҳам пахта хирмонига ўз улушини қўшди. Шу куни асфальт-бетон заводи ишчиларидан М. Шамсуддинова, Б. П. Барханцковлар ҳам баракали меҳнат қилишди. Районнинг «Электроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Октябрь революцияси номидаги тепловоз-ремонти заводи, Бутуниттифоқ «Теплоэлектропроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими, район соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари йиғим терим мавсумида фаол иштирок этишмоқда.

— Ҳашарчилар меҳнатидан мамнунмиз, — деди Қуйбишев номли колхоз партия ташкилоти секретари Саидмуҳаммад Абдуллаев. — Уларнинг ҳар бири ҳақиқий жасорат намуналарини кўрсатишмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, район меҳнаткашлари бу йилги пахта йиғим-теримида шаҳар районлари ўртасидаги мусобақада олдинги ўринлардан бирини эгаллаб, намуна бўлишмоқда.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,
Сабоҳиддин МАМАЖОНОВ.
СУРАТЛАРДА: Ленин район меҳнаткашлари пахтазорда.

Авторлар фотолари.



ОМИЛКОРЛИК САМАРАСИ

Ўн иккинчи беш йилликнинг асосий вазифаларидан бири — кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг ассортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, пухталигини оширишдан иборатдир. Шу мақсадда Тошкент металсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи баракали меҳнат қиляпти. Ҳозир бу ерда 70 хилдан ортиқ кенг истеъмол буюмлари тайёрланмоқда. Уй-рўзғорда асқотадиган челак, тоғора, қошиқ, ховонча, чойнак, патнис, самовар ва бошқа буюмлар шулар жумласидандир. Коллектив тўққиз ойлик планни 101,4 процент адо этди. Буюртмалар ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб берилди. Айниқса, бирлашма коллективининг тежамкорлик соҳасида эришаётган ютуқлари кўзга ташланиб қолди. Ўтган тўққиз ой мобайнида 336 тонна оқ тунука ва 6 тонна алюмин материаллари тежаб олинди. Иқтисод қилинган материаллар ҳисобига 89 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот сифати учун кураш коллективнинг диққат марказида турибди. Келтирилаётган материаллар қанчалик сифатли бўлса, маҳсулот ҳам шунчалик сифатли ва чидамли бўлади. Бирлашма ўз маҳсулотини Ўрта Осиё республикалари ва Афғонистонга жўнатилди. Йил охирияна 50 минг сўмлик истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи баракали меҳнат қиляпти. Ҳозир бу ерда 70 хилдан ортиқ кенг истеъмол буюмлари тайёрланмоқда. Уй-рўзғорда асқотадиган челак, тоғора, қошиқ, ховонча, чойнак, патнис, самовар ва бошқа буюмлар шулар жумласидандир. Коллектив тўққиз ойлик планни 101,4 процент адо этди. Буюртмалар ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб берилди. Айниқса, бирлашма коллективининг тежамкорлик соҳасида эришаётган ютуқлари кўзга ташланиб қолди. Ўтган тўққиз ой мобайнида 336 тонна оқ тунука ва 6 тонна алюмин материаллари тежаб олинди. Иқтисод қилинган материаллар ҳисобига 89 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот сифати учун кураш коллективнинг диққат марказида турибди. Келтирилаётган материаллар қанчалик сифатли бўлса, маҳсулот ҳам шунчалик сифатли ва чидамли бўлади. Бирлашма ўз маҳсулотини Ўрта Осиё республикалари ва Афғонистонга жўнатилди. Йил охирияна 50 минг сўмлик истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи баракали меҳнат қиляпти. Ҳозир бу ерда 70 хилдан ортиқ кенг истеъмол буюмлари тайёрланмоқда. Уй-рўзғорда асқотадиган челак, тоғора, қошиқ, ховонча, чойнак, патнис, самовар ва бошқа буюмлар шулар жумласидандир. Коллектив тўққиз ойлик планни 101,4 процент адо этди. Буюртмалар ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб берилди. Айниқса, бирлашма коллективининг тежамкорлик соҳасида эришаётган ютуқлари кўзга ташланиб қолди. Ўтган тўққиз ой мобайнида 336 тонна оқ тунука ва 6 тонна алюмин материаллари тежаб олинди. Иқтисод қилинган материаллар ҳисобига 89 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот сифати учун кураш коллективнинг диққат марказида турибди. Келтирилаётган материаллар қанчалик сифатли бўлса, маҳсулот ҳам шунчалик сифатли ва чидамли бўлади. Бирлашма ўз маҳсулотини Ўрта Осиё республикалари ва Афғонистонга жўнатилди. Йил охирияна 50 минг сўмлик истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи баракали меҳнат қиляпти. Ҳозир бу ерда 70 хилдан ортиқ кенг истеъмол буюмлари тайёрланмоқда. Уй-рўзғорда асқотадиган челак, тоғора, қошиқ, ховонча, чойнак, патнис, самовар ва бошқа буюмлар шулар жумласидандир. Коллектив тўққиз ойлик планни 101,4 процент адо этди. Буюртмалар ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб берилди. Айниқса, бирлашма коллективининг тежамкорлик соҳасида эришаётган ютуқлари кўзга ташланиб қолди. Ўтган тўққиз ой мобайнида 336 тонна оқ тунука ва 6 тонна алюмин материаллари тежаб олинди. Иқтисод қилинган материаллар ҳисобига 89 минг

Корхонада реконструкция ва ишлаб чиқаришни ... ник жиҳатдан қайта қ... лантириш ишлари олиб ... риляпти. Бирлашма ... янги бино қурилияпти. ... бинони «Главташкентстрой» ... нинг 6-трести қурувчилари ... бунёд этмоқдалар. Ишчи-йил охирида янги замонавий техника билан жиҳозланган бинога кўчиб ўтадилар. Корхона территориясида ... этилаётган дам олиш ... плекси ҳам битай деб қолди. Комплексда дам олиш ... лари, психологик кабинетлар, ишчиларнинг кийим ... маштириш хоналари ... шади. Шунингдек, янги ... дан бошлаб корхона территориясида «Пойабзал ... монти» пункти ва мебель ... завотлар магазини ... бошлайди.

С. ИКРОМОВ.

Редактор
Т. М. КОЗОКБОЕВ

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмушн ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 33-51-81; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 33-58-81; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 33-58-82; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р.—09957. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички сақнфаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2502. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.